Назира анъаналари мумтоз муסיқа, хусусан, мақом туркумлари шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этиб келди. Атоқли муסיқашунос олим Т. Б. Ғофурбековнинг қиёсий қузатувларидан маълум бўлишича, шеърӣ тўпламлар учун Низомий Ганжавӣ ва Ҳусрав Деҳлавӣ “Хамса”лари асос бўлган бўлса, “Шашмақом”нинг шаклланиши жараёнида мазкур “Хамса”лар замондоши “Дувоздаҳмақом” худди шу вазифани адо этди.

Бастакорликдаги ижодий назира услубининг маҳсули сифатида Тошкент ва Фарғона водийси шаҳарларида ҳам Шашмақом чолғу куй ва ашулаларининг айрим назиралари юзага келган эди. И. Ражабовнинг илмӣ тадқиқотларидан маълумки, Фарғона-Тошкент мақом ашулаларидан Баёт, Дутоҳи Ҳусайнӣ ва Чоргоҳ йўллари Шашмақомнинг шу номлар билан аталган шўьбалари асосида яратилган [5; 285]. Шаҳнози Гулёр турли мақом (Рост, Сегоҳ) шўьбалари асосида шаклланган [5; 285, 293]. Бу масалада О.А. Иброҳимов мазкур асарнинг (Шаҳноз-Гулёр) куй инвариантини Ўн икки мақом тизимидаги олти овоздан бири – “Шаҳноз” номли овозга, ривож йўлини эса Ушшоқ мақомига боғлаб шарҳлайди. Лекин ҳар иккала нуқтаи назарда ҳам бу асарларнинг юзага келишида ижодий назира услуби қўлланганлиги мантиқий англашилади.

Айни пайтда кейинги даврларда ҳам бу тизим миқёсида ижодкорлик тўхтаб қолмади, балки XIX аср охири –

XХ аср бошларида назира услубининг янги сифат даражаларини ифода этган Савт ва Мўғулча шўьбалари ҳамда уларнинг шохобчалари юзага келди.

Фикримизга далил сифатида Шашмақом иккинчи гуруҳ шўьбаларидан Савти Ушшоқ ва унинг шохобчалари нисбатини мисол келтирамиз. Маълумки, арабча “савт” сўзи “товуш”, “оҳанг” ва “муסיқа товуши” маънолари билан бирга, бирор асарга тақлидий жавоб тарзида ижод қилинган асарни ҳам англатади.

Сўнги маънодаги Савтлар эса мақомларнинг асосий шўьбалари каби мураккаб ва йирик шаклдаги ашула йўлларини ташкил этади. Айни пайтда, Савтлар тимсолида муסיқадаги назиранинг бир неча кўринишлари ҳозир бўлади. Атоқли мақомшунос олим Исҳоқ Ражабов тадқиқотидан маълумки, Савтлар Шашмақомдаги биринчи гуруҳ шўьбаларидан Талқин ва Насрларга назира тарзида юзага келган. Савти Ушшоқнинг юзага келишида Талқини Ушшоқ ва Насри Ушшоқ шўьбаларининг умумий тарҳи ва авжларида келган Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудларининг таъсири сезиларлидир. Шу билан бирга, Савти Ушшоқ намунасида Фарғона-Тошкент ашула йўлларига ҳам ижодий эргашилган жиҳатлари намоён бўлади. Масалан, И. Ражабовнинг қайд этишича: “Савти Ушшоқ уфариси “Фарғонача” хотин-қизлар кўшиғининг ўзи”.

Ўз навбатида, Савти Ушшоқ шўьбаси ўзидан кейинги Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфор номларида келган шохобчаларига нисбатан намуна сифатида намоён бўлиши ҳам эътиборни ўзига тортади. Шу аснода эса Савти Ушшоқ намунасига назира ўлароқ уланиб келган

Талқинчаи Савти Ушшоқ, Чапандо- Уфари Савти Ушшоқ каби шохобча-
зи Савти Ушшоқ, Қашқарчаи Савти лари бирин-кетин ижро этилади:
Ушшоқ, Соқийномаи Савти Ушшоқ,

Савти Ушшоқ + Талқинчаи Савти Ушшоқ + Чапандози Савти Ушшоқ +
инвариант вариант = инвариант вариант = инвариант

Қашқарчаи Савти Ушшоқ + Соқийномаи Савти Ушшоқ + Уфари Савти Ушшоқ
вариант = инвариант вариант = инвариант вариант

Савти Ушшоқнинг куй андозаси Са- ришларга юз тутати. Зеро, бунда усул
рахборда келган Ушшоқ намуди ҳамда (шеър вазни ҳам) ўзгариши билан куй
Талқини Ушшоқ ва Насри Ушшоқлар андозаси ҳам усулга мослашиб боради.
бош мавзуи билан узвий боғлиқ ҳол- Шу тарзда куй мавзуи қисмдан-қисмга
да юзага келади. Лекин ушбу мавзу, қараб тобора тусланиб, мазмун кўла-
5/4 чоракли Савт усулида янги маъно ми ҳам ортиб боради. Бунга қуйидаги
касб этгани ҳолда, шохобчаларида кел- нота мисолларини далил келтириш
ган турли усуллар асосида янада ўзга- мумкин.

1-мисол. “Савти Ушшоқ”

Са - бо ағ - ёр(и) - дан пин-хонға - ним дил до - ра из-хор эт

2-мисол. “Талқинчаи Савти Ушшоқ”

Со қи - ё кел-тур ма-йи гул - гун қи, хуш дам дур бу кун.

Савти Ушшоқнинг бош мавзуси усул ўзгариши билан боғлиқ равишда
(парда ва оҳанг андозаси) Талқинчаи ритмик жиҳатдан сезиларли ўзгариш-
Савти Ушшоқда, биринчи навбатда, ларга учрайди:

3-мисол: “Чапандози Савти Ушшоқ”

Ви-со - ли ич-ра бар - мак - ка му - ро - дим ка-м(и) - ёд ай - лаб.


Чапандози Савти Ушшоқда эса (яъни 3/8, 3/4) натижасида мавзунинг усулнинг, Талқинчаи Савти Ушшоқдан ритмик гуруҳланиши қайта ўзгарган фарқли ўлароқ, “тескари” ўқилиши янги бир назираси юзага келади.

4-мисол. “Қашқарчаи Савти Ушшоқ”



Қашқарчаи Савти Ушшоқда илгари мавзу мазмунида шодлик туйғулари сурилган 4/4 ўлчовли усул негизида устуворлик қила бошлайди. Бу ҳолат дастлабки қисм мавзуси қиёфасида кейинги қисмлар – Соқийномаи Савти Ушшоқ ва Уфари Савти Ушшоқларда ҳам туб ўзгариш юзага келиб, янги Ушшоқ ва Уфари Савти Ушшоқларда сифатга эришилади. Эндиликда тантанаворлик ҳолатига қадар мушкул усуллар синовидан ўтган ривожланиб, муқаррар тус олади.

5-мисол. “Соқийномаи Савти Ушшоқ”



Соқийномаи Савти Ушшоқда Савти Ушшоқда ҳам сақланса-да, ритм мавзунинг зул-арбаъ (d-g) таянч усули энгил уфарларга хос (6/8 га) пардаларида ҳосил бўлган ўзаги “h - e” тарзда ўзгаради. товушларига “кўчади”. Бу ҳолат Уфари

6-мисол. “Уфари Савти Ушшоқ”



Бинобарин, Рост мақоми биринчи тамойили, асосан, лад-оҳанг ва усул гуруҳ шўъбаларига ҳамда Фарғона-омиллари устуворлигида ифодаланиши Тошкент мақом йўлларида назира тарзида кузатилади. яралган Савти Ушшоқ шўъбаси айни Хулоса қилиб айтганда, Савти Ушшоқнинг келиб чиқиши ва бунда назира вақтда ўз шохобчаларига оид ижодий ра анъаналарининг турли қирраларда захираларга бой намуна-асар вазифасида ҳам намоён бўлмоқда экан. Бунда назира намоён бўлиши маълум бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адабиётшунослик терминлари луғати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1967. 128-б.
2. Бертельс Е. Э. Навоий ва Шарқ адабиёти//“Жаҳон адабиёти”. -Тошкент: 2006. № 2. 137-б.
3. Ибрагимов О. Фергано-Ташкетские макомы. -Т.: MEDIA LAND. 2006. 61-62, 209-бб.
4. Ражабов И. Мақом асослари. -Тошкент: 1992. 39-б.
5. Ражабов И. Мақомлар (нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О. Иброҳимов). -Т.: 2006. 285, 293-бб.
6. Ўзбек халқ музыкаси. V жилд. Тўпловчи ва нотага олувчи Ю. Ражабий. -Т.: Бадиий адабиёт нашриёти. 1959. 260, 265, 270, 277, 281, 285-бб.
7. Гофурбеков Т. Темурийлар даври мусиқа маданияти//Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат. -Т.: 1996. 41-б.

Турсунова Равшаной,
Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти в. б.,
санъатшунослик бўйича фалсафа доктори (PhD)

КОМПОЗИТОР АНВАР ЭРГАШЕВНИНГ ФОРТЕПИАНО ВА ОРКЕСТР УЧУН ЯРАТГАН КОНЦЕРТИНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақола композитор Анвар Эргашевнинг ижодий фаолияти ва чолғу ижрочилик меросига бағишланган бўлиб, чолғу концерти жанри услубий янгиланишлар ҳамда миллий ўзига хослик жиҳатидан композиторнинг фортепиано ва симфоник оркестр учун концерти таҳлили мисолида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: концерт, композитор, фортепиано, А. Эргашев, бадиҳагўйлик, анъана, симфоник оркестр, ижро, талқин.

Аннотация. Статья посвящена творческой деятельности и инструментальному наследию композитора Анвара Эргашева. Рассмотрен жанр инструментального концерта с позиций стилистических обновлений и национальных особенностей на примере анализа концерта для фортепиано и симфонического оркестра композитора.

Ключевые слова: концерт, композитор, фортепиано, А.Эргашев, импровизация, традиция, симфонический оркестр, исполнения, интерпретация.

Annotation. The article is devoted to the creative activity and instrumental heritage of composer Anvar Ergashev. The genre of the instrumental concert is considered from the standpoint of stylistic updates and national peculiarities on the example of the analysis of the concert for piano and symphony orchestra of the composer.

Key words: concert, composer, piano, A.Ergashev, improvisation, tradition, symphony orchestra, performances, interpretation.

Маълумки, концерт жанри чолғу жабҳаларидан бўлиб, XVII асрда вужудга келди. Бу жанр мусобақа ғоясига таянган ҳолда кўп қисмли асар сифатида ўзини намоён қилди. Классик анъанавий кўринишда концерт уч қисмдан таркиб топиб, бир қатор хусусиятлари билан белгиланди [1; 7]. Жумладан, қисмлар орасида контраст мавжудлиги, биринчи қисм соната *Allegro* шаклида ёзилганлиги, яккахон ва оркестр ўртасида мусобақа муносабатларининг ўрнатилганлиги ҳамда турли темп суръатларга таянган-

лигидир. Бундай қиёфада концертлар асрлар оша ҳаёт кечирди.

Романтизм даврида концертнинг тузилиши муסיқий услубидаги ўзгаришларга дуч келди. Хусусан, контраст тарзда яратилган муסיқий мавзулар ўрнига яккахонлик услуги юзага чиқди. Натижада концертда кўп қисмли шакл ўрнига бир қисмли шакллар ҳам пайдо бўлади. Эндиликда концертлар турли жанрларнинг хусусиятларини намоён этиб, муסיқий матолар ўртасидаги контраст муносабатлари жанр ва ритм жиҳатидан чуқурлаштирилди

(Д. Шостаковичнинг фортепиано ва оркестр учун №1 концерти ҳамда А. Глазуновнинг скрипка учун концерти шулар жумласидан).

Бу жанрнинг ривожига катта ҳисса қўшган ўзбекистонлик композиторлар – Г. Мушель, Ф. Назаров, Р. Ҳамраев, М. Бафоев, М. Тожиев, Н. Ғиёсов, Б. Лутфуллаев, Т. Қурбонов, Р. Абдуллаев, Х. Раҳимов, А. Эргашев, О. Абдуллаевларнинг турли чолғу ва оркестрлар таркиби учун яратган концертларини ҳам бу борада тилга олишимиз мумкин [2; 67].

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмида концерт жанрини янги талқин қилиш тажрибалари авжга чиқди. Анвар Эргашевнинг фортепиано ва оркестр учун концерти шулар жумласидандир. Бу асарни композитор 1986 йилда диплом иши сифатида пианиночи Илгиз Роянов ижро талқинида илк бор тақдим этди. Талабалик чоғларида ёзилганига қарамай, концерт Анвар Эргашев ижодининг муҳим босқичларидан бирига айланиб қолди [3; 53].

Концерт фортепиано ва оркестр учун мўлжалланган бўлиб, классик анъаналарга риоя қилган ҳолда уч қисмдан иборат.

I қисм соната *Allegro* шаклида тасвирланиб, импровизацион хусусиятлардан ташкил топган.

II қисм *Andante*, лирик фалсафий мавзудаги ғояни кўтарган ҳолда монотематик куй ривожланиши асосида тuzилган.

III қисм *Allegro* финал қисмидир. Байрамона-тантанавор характер, ёрқин бўёқлар сарчашмаси мазкур бўлимда ўрин олган. Мусанниф асарни яратилишида халқ ижодиёти намуналарини иқтибос қилмай, балки талайгина оригинал мавзуларни басталайди. Концертдаги барча гўзаллик асарнинг бадий ғоясини ифодалашга қаратилган.

I қисм беш тактли муқаддимадан бошланади. Оркестрнинг пуфлама гуруҳи чолғулари (труба, тромбон)нинг партиясида берилган оҳанг миллий тантанавор “карнай” чақириғини гавдалайди ва бош партиянинг кўтаринки руҳиятини тайёрлаб беради. Миллийлик хусусиятлари, жумлаларини параллель кварта ҳаракатида ҳамда ўзбек мусиқасига хос бўлган усул орқали берилишида намоён бўлади. Ўз навбатида, муқаддима мавзусидаги чақириқлик бош оҳангларда, кенгайтирилган ҳолда финал қисмидан ўрин олади.

1-мисол

Musical score for Trombe B I, Trombe B II, Trombe B III, Tromboni E I, and Tromboni E II. The score is in 2/4 time and features a strong dynamic of *f* (forte).

Musical score for Violini I, Violini II, Viola, Cello, and CelloBassi. The score is in 2/4 time and features dynamics of *p* (piano) and *fff* (fortissimo). The score includes markings for *pizz* (pizzicato), *c. leg.* (crescendo), and *ord* (order).

Бош партия (до-диез минор) ўз ичида анъанавий ва замонавий ёзув услубига таянади. Анъанавийлик белгилари куйнинг поғонама-поғона ҳаракатидаги гармоник ечилишлари орқали бир текис кўринишда келган фригия лади ва синкопалари мисолида намоён бўлади.

тидаги гармоник ечилишлари орқали бир текис кўринишда келган фригия лади ва синкопалари мисолида намоён бўлади.

2-мисол



Замонавий ёзиш элементлари эса ҳаракатчан куй баёнида, мотивлар интилувчанлигида, овозларни хроматик қайта куйлаш, целотон паст ҳаракат гамманинг йўналишида ўз ифодасини топган (gis, fis, e, d...).

Бош мавзунинг ривожланиш жараёнида муаллиф полифоник усуллардан усталик билан фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу – имитацияни ўзаро чақириғи, пунктир ритм негизи асосида берилган имитация, яширин полифониядир. Муаллиф куй ривожловини симфоник оркестр турли чолғуларининг партияси ижросида ўтказди. Хусусан, энг бошида бош партия фортепиано, сўнг пуфлама чолғулар, ундан сўнг эса торли чолғулар ижросида баён этиб, куй ривожини кескинлашуви ва жадаллашувига олиб келади. Куй мавзусини ор.⁴ кам.⁵ интерваллари, бас овози кварта асосидаги қадам босишига таянган тепа ҳаракатли куй мисолида кўзга ташланади.

Бош мавзунинг энг юқори нуқтасини кам.⁸ интервали ташкил этиб (cis-c), бир вақт мобайнида кучли ҳиссада, икки лад бирикмасидан ташкил топган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай ёзув йўли замонавий композиторлик мактабига оид бўлиб, ўз илдизлари билан И. Стравинскийнинг услубига яқин туради. Ўзгача ритм негиз остида келган пас ҳаракатдаги хроматик гамма бош партияга яқун ясаб, ферматада тугалланади.

Meno mosso темп суръатининг ўзгариши билан асарнинг умумий характери янада кескинлашиб боради. Бу эса ўз навбатида янги муסיқий воситаларнинг қўлланилишига олиб келади. Ўн беш такт ҳажмдан иборат бўлган ўн олтиталик чўзимдаги синкопали ритм суръати савол-жавоб тарзида баён қилинган бўлиб, боғловчи партиянинг куй негизида сирланган бутун тонлик гамма ҳаракати билан эътиборга тушади. Куйнинг ривожини боғловчи партиёга олиб келмасдан, балки дастлабки қисмининг авжи сифатида гавдаланади.

3-мисол



Ёрдамчи партия *Andante* темп суръатида, торли чолғулар гуруҳининг ўттиз иккитали товушлар ўлчови фонида намоён бўлади. У импульсив, энергетик жўшқин бўлган бош партия

мавзусидан мутлақ фарқ қилиб, лирик куйчанлиги орқали таққосланади. Унинг жозибали куй негизи ўзбек қўшиқларига ҳамоҳангдир.

4-мисол

The musical score for Example 4 is written for a large ensemble. It consists of the following parts: Trombe B (Bass Trombone), Tromboni (Tenor Trombone), Tuba, Piatti Casca Nogora (Cymbals and Gong), Silofon (Suspended Cymbal), Piano solo (Piano), Violini I (Violin I), and Violini II (Violin II). The time signature is 2/4. The score begins with a rest for the first two measures, followed by a melodic line for the Trombe B and Tromboni parts, marked with a forte (f) dynamic and a 'I solo' instruction. The Tuba, Piatti Casca Nogora, and Silofon parts provide harmonic support with sustained chords. The Violini I and II parts play a rhythmic pattern of eighth notes.

Мавзу ичида номдош мажор ва минор белгилари бирлашиб (ре-мажор, ре-минор), унисон тарзда тромбон ва туба пуфлама чолғулар партиясидан ўрин олади. Биринчи ёрдамчи партиянинг ривожлови фортепиано чолғуси талқинига берилган. Кичик барабан ва литавра фонида “*ff*” жарангида янграган аккордлар орттирилган ва соф кварта интерваллар бирикмасидан ташкил топиб, триоллар ичидаги полутон ҳаракати орқали “савол-жавоб” мулоқоти сингари келади. Ёрдамчи партиянинг ривожланишида полифоник тамойиллар орқали мавзунини кенгайтириш қўлланилади. Бунда ўлчовларнинг ўзгариши аҳамиятлидир. Дастлаб мавзу $\frac{2}{4}$, сўнг $\frac{3}{4}$ ва ниҳоят $\frac{4}{4}$ ўлчовларида келиб, бир терцияли ма-

жор-минор тоналлиги орқали баён этилишида кўзга ташланади (As-a). Мавзунинг кульминацион авж нуқтаси соф ва орттирилган кварта оҳангдорлигида тараннум этилган.

Юқори “*fff*” динамик жарангида келган куй ҳаракати дастлабки темпига қайтгач, ёрдамчи партиянинг иккинчи кўринишида ҳам намоён бўлади. Бу мавзунинг берилиши кларнет чолғусига юкланган бўлиб, пастораллик характеридаги интонациялари билан балқиб туради. Ёрдамчи партиянинг ички тuzилиши бош мавзудан ишлаб чиқарилган контраст бўлиб, ривожланиш жараёнида виолончель ва контрабас чолғуларининг остинатоси ортидаги бутун тонли куй ҳаракати ва ритм усулида сақланиб қолинади.

Andante con libitum бўлимида концертнинг мусобақавий беллашуви фортепиано ва оркестр орасида ўзининг ёрқин кўринишини ҳавола қилади. Гўё жўрнавон ва яккахон орасида бир мавзунини тасдиқлаш мақсадида тортишув бўлганидек. Келтирилган мавзу синкопалар билан белгиланиб, дадил, жўшқин ҳаракатида аён бўлади.

Бу ерда биз ёрдамчи партиянинг куй чизгиларини илғаб олишимиз мумкин. Флейта чолғусининг партиясида ёрдамчи партиянинг иккинчи талқини кўринади.

Яқунловчи партия “до” лидий ладида берилган. Тўртинчи поғона кўтарилганлиги, жўшқин, дадил куй матосига ўзгача жозиба бахш этади.

5-мисол

Allegro moderato

Экспозициянинг тонал доирасини $C \rightarrow cis \rightarrow d \rightarrow es \rightarrow Es \rightarrow C$ ташкил этиб, ниҳоятда кескин лад муносабатлари ҳақида биз учун фикр юритишга асос бўлади. Бироқ куйнинг аниқ миллийлик жиҳатлари ва ундан келиб чиққан ривожланиш тамойиллари бу зиддиятни юмшатиб, нейтраллаштиришга замин яратади.

Rosotosso бўлими каноник тавсифдаги тепа ҳаракатланувчи гаммадан ташкил топиб, турли чолғуларнинг ижро кўринишидан намоён бўлади. Дастлаб

яккахон ва пуфлама чолғу гуруҳи, яккахон ва мис пуфлама гуруҳи, сўнг эса яккахон ва ёғоч пуфлама гуруҳида ижро этилади. Анвар Эргашев концертнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда овоз тембрларининг таққосланиш беллашувини ҳам маҳорат билан кўрсатади.

Moderato maestoso биринчи қисмининг ривожлов бўлимини ташкил этиб, ўзгарувчан ўлчовда, “*ff*” жарангида трубалар ижросида ўтиб, орган пункти ортида келган хроматик (*fis-f-e-es*) ҳаракатни ташкил қилади.

6-мисол

Яккахон партияси мавзуни поғона-ма-поғона хроматик ривожлантириб, уни каденцияга олиб келади. Каденция фақатгина техник жиҳатдан маҳорат-

ли ва ёрқин яккахон монологи бўлмай, балки мусиқий образлар ривожда алоҳида аҳамият касб этувчи жараёнга айланади.

7-мисол

Концерт услуби композиторни фортепиано чолғусининг табиати ва ижро имкониятларини мукамал билган ижодкор сифатида намоиш қилди. Дарҳақиқат, А. Эргашевнинг Тошкент давлат консерваторияси “Фортепиано” бўлимида таҳсил олган кезларида қўлга киритган профессионал ижро ютуқлари бунинг замирида ривож топган. Ижодкор фортепиано партиясида

ўрин олган ёрқин моҳирона ижрочилик лавҳаларини соф техник безатиш мақсадида ишлатмай, балки асарнинг мусиқий драматургиясини ёритишда яна бир босқични белгилаб беради. Ф. Лист ва П. Чайковскийларнинг ижодий анъаналарини давом эттирган ҳолда композитор бадихағўйликка асосланган чолғунинг “нутқий речитатив” турини очиб берган. Улар катта ва майда

техник усуллар мисолида асар матнидан ўрин олди.

Каденция паст, ўрта ва баланд регистрларни қамраб олувчи, тепа ҳаракатланувчи секвенциялар билан бошланади. Бу тузилма асосий мавзунини тайёрлаб бориб, яқунловчи партиянинг яққохон ва оркестр суҳбатидан олинган парчаси сифатида кенгайтирилган ҳолда баён қилинади. Пассаж тузилмаларининг кетма-кет келганидан ва уч маротаба ферматадан сўнг, хроматик ҳаракатдаги мусиқий мато учта қатламга бўлинганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Cis-moll тоналлигида келган бош партия мавзуси реприза қисмида қисқартирилган кўринишда намоён бўлади. Ундан сўнг келган кода икки барабар кенгайтирилган ҳолда намоён этиб, бутун тон гамма баёнида келади (g-f-es-des).

Шундай қилиб, концертнинг биринчи қисми соната Allegro шаклида ёзилган бўлиб, ўз ичида эркин бадиҳавийлик хусусиятларини жамлаган. Би-

ринчи қисм бутун концерт туркуми характерини англаиб, мустақил аҳамиятга эга. Унинг оптимистик, жўшқин кайфияти ўз навбатида концертга кўтаринки руҳ бахш этади.

Концертнинг II қисми Andante янги кайфиятни тараннум этади ва C-dur тоналлигида баён қилинган саккиз тактли тузилмалар секунда асосидаги глиссандоли куй ҳаракатидан ташкил топган (сидо). Ўз навбатида бу тузилма имитацион чақириқ шаклига хос. Тоника товушининг остинато кўринишида ҳар гал бўрттириб кўрсатилиши, ўлчовнинг ўзгариши билан узвий боғлиқдир: $\frac{4}{4}$, $\frac{5}{4}$, $\frac{4}{4}$, $\frac{3}{4}$, $\frac{4}{4}$. Торли чолғулар гуруҳининг куй ривожидан секундали хроматизмга таянган янги жумла пайдо бўлади. Яққохон партиясининг илк бор кўриниши оркестр билан унисон тарзда ижро этилади.

II қисмнинг мавзу доираси лирик характерда бўлиб, бошланиши “ми” фригия ладида, сўнг икки тактли секвенцион ривожидан “соль” фригия ладида ўтади.

8-мисол



Мавзу торли чолғулар гуруҳининг глиссандо фонидан келиб, эпик колорити билан эътиборни жалб қилади ва узлуксиз “аттака” билан иккинчи қисмдан учинчи қисмнинг финалига ўтиб боради.

Финал бу борада концертнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб, ўз ичида учта ёрқин мавзу асосига таянади. Улар алоҳида мусиқий образлар до-

ирасини мужассам этади. Бири рондо ва соната хусусиятини мужассам қилган хаёлий, ёруғ оламни тасвирлайди. Сонаталик, энг аввало, иккита қарама-қарши бўлган мавзулар таққосланишида гавдаланган. Биринчи мавзу энгил парвозлик, рақссимон тавсифда бўлиб, тепа ҳаракатдаги интилувчан оҳангларга асосланади. Унинг $\frac{12}{8}$ ўлчови вальс жанрининг урғуларига асосланган.

9-мисол

Musical score for Example 9, featuring piano and violin parts in 4/4 time with a key signature of two flats. The piano part includes chords and a melodic line, while the violin part features a rhythmic pattern of eighth notes.

Унга қарама-қарши келган иккинчи мавзу жўшқин ва дадил ҳаракатланувчи, “токатто”га яқин туради.

10-мисол

Musical score for Example 10, featuring multiple instruments including strings and woodwinds in 12/8 time. The instruments listed are Nogora, Silofon, Fo-no solo, V-la, Cello, and C Bassi. The score includes dynamic markings like *mf* and *pizz.*

Бу иккита қарама-қарши мавзуларни солиштириш ва таққослаш жараёни кода қисмида асар апофеозига айланади десак, муболаға бўлмайди. Шу билан бирга рондонинг асл қиёфаси финални шакл тузишида ўрин топган: биринчи қисмдаги чақириқ интонация финалда махсус мавзуга айлангани сабабли уни яхлит шакл тузилишида муҳим аҳамиятга эга бўлади (I қисм $\frac{2}{4}$; III қисм $\frac{12}{8}$ ритм ўлчови).

“Чақириқ” карнайининг оҳанглари финалнинг муқаддимасини бажариб мазкур қисмни очиб беради. Ундан сўнг келган биринчи ва иккинчи мавзуларни

кетма-кет тартиби, яккахон ва оркестр орасидаги рондолик хусусиятининг ўрнатилишида намоён бўлади. Жумладан, финалда А бўлими рефрен қисмини бажариб, оркестрнинг тембр регистрларининг таққосланишида кўзга ташланади (фортепиано, торли чолғулар, кларнет, флейта). В мавзу рондонинг лавҳаси сифатида турли чолғуларнинг баёнида ўз ифодасини топган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, композитор кетма-кетлик тартибига изчил риоя қилмасдан, уни эркин талқин қилишга интилади. Фикримизча, бу борада миллий мусиқий симфоник тафак-

курнинг таъсири ҳақида гапириш ўринлидир. Мавзуларнинг такрорий кўринишида улар дастлабки тоналликда берилмасдан, аксинча, кетма-кет секвенцион тарзда ривожланиб боради. Бу борада миллий вокал шакли ашуланинг ривожланиш томойилларига таянганлиги эътиборга лойиқ. Зеро, мазкур намунада асарнинг юқори динамик нуқтаси авж сифатида келиши, сўнгра кода қисми мисолида фурувард каби ўз ҳолатига қайтиб келишида кўришимиз мумкин. Чақириқ оҳанглариининг тобора ўсиши дастлаб муқаддимадан бошланиб, сўнг эса ўрта қисмда ва ниҳоят, кодада юқори кучга кўтарилганини кўрамиз. Шундай қилиб, Финал қисмида намоён этилган учта куй негизи – чақириқ, рақссимоненгил ва дадил ҳаракатланувчи куйлар шарқона мавзулар асосида бўлиб, ёрқин қувончли характерни тараннум этишга мақсадланади.

Симфоник оркестр таркибига халқ чолғусининг (ноғора) киритилиши айрим ҳолларда уларнинг жарангига ҳамоҳанг ассоциатив элементлардан фойдаланиш (карнай чақириқлари, дойра усуллари ва ҳ.к.) асарнинг ўзига хос тароватини очиб беришга қаратилган.

Концерт жанрининг яққохон ва оркестр орасида мусобақавий беллашувчи Анвар Эргашев талқинида асосий мақсадни кўзламасдан, балки чолғуларни ўзаро бир-бирини тўлдириш кўринишини намоён этди. Шу билан бирга айнан лавҳаларда концертнинг ёрқин мусобақавий руҳи ўрин олди. Фортепиано ва оркестр учун концертнинг таҳлили бизга Европага оид жанр қонуниятларини ўзбек мусиқасининг анъанавий хусусиятлари билан омухта этилишида муваффақиятли тажрибалардан бирини намоён қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арановский М. Структура музыкального жанра и современная ситуация в музыке//Музыкальный современник: Сб.ст. -М.: СК, 1987. -Вып. 6. -С. 5-44.
2. Янов-Яновская Н. С. Инструментальный концерт в Узбекистане //История и современность. Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркменистана и Таджикистана. -М.: 1972. -С. 64-96.
3. Особенности стиля инструментальных опусов композитора Анвара Эргашева// Проблемы современной науки и образования. №2 (159). -М.: 2021. - С. 50-54.

ДЖУРАБЕКОВА Саодат,

Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ОРГАН МУСИҚАСИНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЎРНИ

Аннотация. Турли миллатларнинг санъат соҳасидаги дўстона алоқаларини шакллантиришда орган чолғуси ижрочилиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Халқаро алоқалар доирасида мазкур йўналиш мисолида ташкил этилган турли тадбирлар муҳим илмий-амалий, ижровий ҳамда ижодий томондан салмоқли натижалар бермоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон орган мусиқасининг сўнгги 25 йиллик тарихини халқаро алоқалар доирасида эришилган ютуқларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Калит сўзлар: орган, мусиқа, халқаро, ижро, мусиқий таълим, концерт, хорижий, созанда, дўстона алоқалар.

Аннотация. В формировании дружеских отношений между разными народами в области искусства, важную роль сыграло исполнительство на органе. В рамках международных отношений различные мероприятия, организованные на примере этого направления, дают весомые научно-практические, исполнительские и творческие результаты. Поэтому последнюю 25-летнюю историю органной музыки Узбекистана невозможно представить без достижений, достигнутых в рамках международных связей.

Ключевые слова: орган, музыка, зарубежный, исполнительство, музыкальное образование, концерт, зарубежный, музыкант, дружеские отношения.

Abstract. In the formation of friendly relations between different peoples in the field of art, an important role was played by the performance of organ instruments. Within the framework of international relations, various events organized on the example of this direction give significant scientific, practical, performing and creative results. Therefore, the last 25-year history of the organ art of Uzbekistan cannot be imagined without the achievements made within the framework of international relations.

Key words: organ, music, foreign, performance, music education, concert, foreign, musician, friendship.

Ўзбек номи билан боғланган орган чолғуси ва унга вобаста миллий руҳдаги асарлар дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши ҳамда халқаро алоқаларнинг фаоллашуви мустақиллик мафкураси туфайли янги босқичга кўтарилди. Миллий мусиқа санъатимизни ривожлантириш таъмоийллари асосида қадимий маданий қадриятларимизни тиклаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мусиқа аҳли учун истиқлол йилларида қўлга киритилган энг катта неъматлардан бири – Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биносининг қуриб топширилиши ва махсус орган залининг ажратилиши, мазкур бино ҳажмига мосланган ноёб орган чолғусининг қурилиши бўлди.

Турли миллатларнинг санъат соҳасида дўстона алоқаларини шакллантиришда бугунги кун талабларига жавоб

бера оладиган орган чолғуси ҳам муҳим роль ўйнади. Орган чолғулар ичида энг мураккаб ва ҳашаматли ҳисобланганлиги боис унинг ўрнатилиши алоҳида тарихий воқеага айланади.

Бугун Ўзбекистонда фаолиятдаги 3 та чолғу асбоби мавжуд: 1974 йил консерваториянинг кичик залига (ҳозирда Юнус Ражабий номидаги ЎзММСИда) Германиянинг “Oule” фирмаси томонидан қурилган барокко услубидаги орган; 2000 йилда “Siegfried Merten” фирмасининг Рим католик черковига тақдим этилган чолғу ҳамда 2006 йилда таниқли немис орган қурилиш компанияси “Orgelbau Eisenbarth” томонидан Ўзбекистон давлат консерваторияси орган зали учун махсус қурилган орган чолғуси.

Шундай қилиб, Халқаро алоқалар доирасида фақат орган ижрочилиги санъати мисолида қуйидаги фаолиятларни белгилаш мумкин:

- хорижий орган ижрочиларининг ташрифи ва концерт намоёишлари;
- таниқли орган созандалари билан ижодий учрашувлар ва маҳорат дарслари;
- ўзбекистонлик орган ижрочиларининг чет эллардаги концерт фаолиятлари ва турли Халқаро танловлардаги иштироклари;
- ўзбекистонлик талабаларнинг хорижий консерваторияларда таҳсил олишлари ва хорижлик талабаларнинг Ўзбекистон давлат консерваториясида таҳсил олиши;
- хорижий орган ижрочилари билан ҳамкорликдаги концерт дастурлари.

Бу воқеаларнинг ҳар бири муҳим илмий-амалий, ижровий ҳамда ижодий томондан салмоқли натижалар бермоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекис-

тон орган мусиқа санъатининг сўнгги 25 йиллик тарихини халқаро алоқалар доирасида эришилган ютуқларсиз таъсаввур этиб бўлмайди.

Эрве Дезарбр (Франция), Нева Кристева (Болгария), Герберд Шимман, Кристиан Шмитт, Людвиг Рукдешел, Раймунд Бёмиг, Лидия Вейсбергер (Германия), Дмитрий Рузанов (Россия), Марек Стефаньский, Евгения Лисицина (Польша), Рубин Абдуллин (Татаристон) каби жаҳоннинг турли давлатлари вакиллари Тошкент шаҳрида турли концерт дастурлари билан иштирок этиб келадилар. Уларнинг ҳар бири орган ижрочилиги ривожига ҳисса қўшган алоҳида даврни белгиловчи юксак санъат тарғиботчиларидир. Кейинги йиллардаги чет эл мусиқачилари билан фаол мулоқотлар, ижодий ҳамкорликлар, албатта, янги чолғуларнинг ўрнатилиши билан кучайиб кетди.

Мазкур ижодий учрашувлар орасида бетакрор дид ва ижро техникасини намоёиш этган, турли услубий йўналишлардаги асарларни ўзига хос талқинда ижро этган француз органчиси Эрве Дезарбр унутилмас таассуротлар қолдирган.

Эрве Дезарбр Ўзбекистондаги гастроль концертларида ҳам оригинал дастурлари ва ёрқин талқинини намоёиш этди. У жаҳон мусиқасининг дурдона асарлари қаторида кўпроқ замонавий, шу билан бирга камроқ ижро этилувчи асарларни маромига етказиб ижро этган. Ж. Ф. Куперен, А. Флёрри (Франция), А. Диан (Италия), К. Болт (Нидерландия), Ф. Сованде (Африка), Е. Кокконен (Финляндия), А. Лаприда (Аргентина), Р. Хебл (АҚШ) каби композиторларнинг асарлари репертуаридан жой олган.

Бу органчининг оригинал ижро имкониятларини яхши билган, у билан доимий мулоқотда бўлган ўзбекистонлик таниқли композитор Ф. М. Янов-Яновский айнан Э. Дезарбрга бағишлаб “Idee Fixe” деб номланувчи асарини ёзди. Бу асарнинг Францияда ва бошқа давлатларда ҳам ижро этилганлигини халқаро алоқалар доирасида муҳим қадамлардан бири деб эътироф этиш мумкин.

Германиядан ташриф буюрган, Халқаро танловлар ғолиби Кристиан Шмитт билан ижодий учрашувлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. У энг етакчи орган ижрочиларидан бўлиб, Тошкентда бир неча бор концерт ва мастер-класслар уюштирган.

Кристиан Шмиттнинг мастер-класслари юқори савиядалиги, алоҳида эътибор ва масъулият ила ёндашганлиги билан ажралиб туради. Бизда мавжуд бўлмаган кўплаб нота материалларини тақдим этгани – унинг яна бир катта ёрдами бўлди.

Польшалик орган ижрочиси Евгения Лисицинанинг ҳам Тошкентга ташрифи муҳим тарихий саҳифалардан бирига айланди. Бу серкўлам ижодкорнинг фаолиятини кузатиш жараёнида инсон имкониятлари нақадар кенг эканлигини идрок қилиш мумкин. Унинг юқори бадиий-эстетик ижро талқини остида ҳар бир мусиқачи ўзи учун муҳим хулосаларни белгилаб олиши концертнинг асосий жиҳатларидан бири бўлди.

Тарихан шаклланиб келган асосий немис ва француз ижрочилиқ мактаблари қаторида Россиядаги ўзига хос талқиндаги ижрочилиқ мактаби ҳам жаҳон орган мусиқа санъатида алоҳида ўринга эгадир. Унинг йирик намоян-

даларидан бири Россия ва Татаристон халқ артисти, Қозон давлат консерваториясининг ректори, жаҳон миқёсидаги орган ижрочиси Рубин Абдуллиндр. У 2008 йилда Тошкентда катта концерт дастурини ижро этди. Маҳорат дарсларида у талабалар ижросини диққат билан тинглади, асарларни эринмай таҳлил қилди ва ҳар бир техник ёки бадиий камчиликларни бартараф этиш йўллари аниқ изоҳлаб берди. Иқтидорли 2 та магистр талабани Қозон консерваториясида ўқишга таклиф этди.

Р. Абдуллиннинг биргина ташрифи кўп йиллик ижодий ҳамкорликка ва самимий устоз-шогирд муносабатларига айланиб кетди.

Халқаро алоқалар доирасидаги яна бир концерт Ўзбекистон ва Франция давлатлари мусиқачилари билан ижодий дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Кан консерваториясининг профессори, Сант-Этьен черкови органчиси Эрван Ле Прадо Ўзбекистон давлат консерваториясининг орган чолғусида ҳам француз, ҳам немис ижрочилиқ анъаналарини акс эттирувчи асарларни юқори савияда ижро этди.

Ҳар бир асарга ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ижро талқини, пухта ишланган артикуляция санъати, қўл ва оёқлар координациясининг қулай аппликатураси ёрдамида мураккаб пассажларнинг эркин ва енгил ижроси ва шу каби ўзига хосликлар тингловчиларни завқлантирди. Эрван Ле Прадо 20 дан ортиқ Европа композиторлари қаламига мансуб турли асарларнинг ижроси билан чегараланиб қолмай, Г. Мушель ижодидан “Токката” ва “Интермеццо”ни ҳам ижро этди.

Маълумки, Европа орган ижрочилигида импровизация санъати фан сифатида киритилган. Парижда Эрван Ле Прадо Халқаро танловларнинг бирида айнан “Импровизация” номинацияси бўйича биринчи мукофотга сазовор бўлган. Ўзбекистонда тингловчилар илтимосларига биноан ўзбек халқ куйи “Олмача” асосида ўзининг импровизациясини ижро этди ва гулдурас қарсақларга сазовор бўлди.

Буларнинг ҳаммаси ўзбек ихлосмандларини ҳақиқий профессионал савиядаги санъатдан баҳраманд бўлишга имкон берди.

Самимий дўстона ижодий муносабатлар кўшни давлатлар билан ҳам йўлга қўйилмоқда. Ўзбек орган ижрочиси М. Т. Аминованинг ташаббуси билан Қозоғистондан Халқаро танловлар ғолибаси Салтанат Абильханова бир неча бор ташриф буюрди. У ўз давлатида биринчи Халқаро тоифадаги орган ижрочиси ҳисобланади.

Маълумки, Қозоғистон орган музика санъати ҳам ўз тарихига эга. Бу ерда мазкур чолғу 1967 йилда ўрнатилган. Орган ижрочилиги мавқеини Қозоғистонда ҳам юксалтириш мақсадида Салтанат Абильханова Европа орган ижрочилик таълимини олган. У М. Бартольди номидаги Лейпциг олий музика мактабида профессор ва доктор К. Крумахер синфида аспирантура босқичини тугаллаган.

С. Абильханова XVII аср Шимолий Германия эрта барокко услубидаги асарларни маҳорат билан ижро этиши немис ижрочилик анъаналари сирларини яхши ўзлаштирганини кўрсатди. Қатъий суръатни сақлаш, барокко услубига хос бўлган нонлегато штрихида чалиш, яхлит шакл ҳосил қилувчи ки-

чик жумлаларни ифодали ва мазмунли талқин этиш каби жиҳатлар бунинг мисолидир.

Тошкент давлат консерваториясининг етакчи концерт ижрочиларидан бири бўлган Татьяна Левинанинг Бонн шаҳридаги нуфузли санъат саройларидан бирига таклиф этилиши бу йўналишдаги илк қадамлардан бири эди. Унинг синфида таҳсил олган энг ёрқин юлдузлардан бири Д. Янов-Яновский мусиқий ижрочилик ва ижодкорликнинг моҳиятан муштараклигини ўз фаолиятида мужассам этиб, кўплаб хорижий давлатларда бошқа жанрлардаги ижоди билан бир қаторда орган чолғуси учун ҳам яратган асарларини намоён этиб келмоқда.

1998 йилдан буён орган мутахассислиги бўйича ягона педагог саналувчи Мунира Аминова ижодий фаолияти мисолида мазкур соҳада кечган даврни кузатиш мумкин. Унинг 2006 йилда Пассау шаҳрининг “Халқаро орган ижрочилари фестивали” да Европадаги энг катта органда мусиқий дастур билан ўтказилган концерти юқори баҳоланди.

М. Аминова синфида таълим олган аксарият ёш мутахассислар ҳам хорижий давлатларда ўқиш ва концерт фаолиятлари билан ўзбек ижрочилик мактабини тарғиб қилмоқдалар. Масалан, Светлана Георгилас 2000 йилдан буён Афина (Греция) черковида, Юлия Варелас Оттава (Канада) шаҳридаги черковда концерт ижрочиси сифатида фаолият юритмоқдалар.

Шунингдек, таълим соҳасида маданий алоқалар, айниқса, Жанубий Кореянинг Сеул шаҳри билан кенг йўлга қўйилган. Ли Хва Сук, Янг Чи Тель каби талабалар орган мутахассислиги бўйича Ўзбекистон консерваториясида про-

фессинал билим олиб, юртларида шу соҳада фаолият юритишлари ҳам давлатимиз таълим мактабининг юқори савияда эканлигидан далолат беради.

Республикамизда айна вақтда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар иқтидорли ёшлар ҳар томонлама билимли, баркамол бўлиши учун кенг шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Истиқлол йилларида дунё халқлари билан йўлга қўйилаётган ма-

даний алоқа ва ҳамкорликларни янги асосда ўрнатиш ҳамда ривожлантириш ғоялари асосидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Изоҳ. Мақолада муаллифнинг Эрве Дезарбр, Кристиан Шмитт, Евгения Лисицина, Эрван Ле Прадо, Рубин Абдуллин, Салтанат Абильханова, Татьяна Левина, Мунира Аминовалар билан шахсий суҳбатларига таянилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева Э. А., Джурабекова С. З. Узбекская музыка на международной арене// Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.): тенденции, проблемы. Коллективная монография. -Тошкент: 2008.

NAIMOV MUZAFFAR,

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti dotsenti

SURXON MAVSUMIY-MAROSIM QO'SHIQLARIGA BIR NAZAR

Annotatsiya. Surxon vohasida turli-tuman mavsumiy ish-harakatlar, har xil marosim, urf-odatlar va yil fasllari bilan bog'liq qo'shiqlar keng tarqalgan. Bunday qo'shiqlar mavsumiy qo'shiq-aytimlari va mavsumiy-mehnat qo'shiqlari bilan mahkam bog'langan. Mavsumiy qo'shiqlar bizgacha tugalroq yetib kelgan, ammo ularning ko'pchiligi marosimdan tashqari saqlanib kelinmoqda.

Kalit so'zlar: musiqa, urf-odat, marosim, qo'shiq, tarix, uslub.

Аннотация. В Сурханском оазисе широко распространены песни, связанные с различными сезонными, различными ритуалами, обычаями и временами года. Такие песни тесно связаны с сезонными песнями и сезонными трудовыми песнями. Сезонные песни дошли до нас более полно, но большая часть из них сохраняется и вне обряда.

Ключевые слова: музыка, традиция, обряд, песня, история, стиль.

Annotation. In the Surkhan oasis, songs associated with various seasonal, various rituals, customs and seasons are widespread. Such songs are closely related to seasonal songs and seasonal work songs. Seasonal songs have reached us more fully, but most of them survive outside the ritual.

Keywords: music, tradition, ritual, song, history, style.

Mavsumiy marosim qo'shiqlari bevosita tabiat hodisalari, yil fasllari bilan bog'liq bo'lgan. Shu bois inson o'zining hayotida ushbu marosimlar bilan bog'liq holda turmush kechirgan.

O'zbek mavsumiy marosimlari va qo'shiqlari asosan aholining turmush tarzi hamda mehnat turlari bilan aloqadorlikda yuzaga kelgan va bevosita ana shu mehnat turlariga xizmat qilishga yo'naltirilgan. Ular o'tmish obidalari sifatida uzoq ajdodlarimizning tabiat hodisalariga munosabati, ularning qadimgi e'tiqodiy qarashlari bilan bog'liqligi nuqtayi nazaridan ahamiyatlidir. Shu tufayli Surxon vohasiga xos musiqa uslubida mavsum-taqvim va

mehnat jarayoni bilan bog'liq qo'shiqlar salmoqli o'rin tutadi.

Har bir marosim qo'shiqlari o'ziga xos janrlar tarkibiga ega bo'lib, ma'lum guruh va turlarga bo'linadi. Mavsumiy marosim qo'shiqlari mazmun jihatidan, bajarayotgan vazifasi va ijro uslubiga ko'ra quyidagilarga tasniflanadi:

1. Umumxalq marosim va bayramlar bilan bog'liq qo'shiqlar: masalan, Navro'z qo'shiqlari ("Navro'z", "Jarchilar" qo'shig'i, "Muborakbod", "Yil boshi", "Navro'znoma", "Sumalak", "Boychachak", "Lola sayli", "Hey lola", "Halinchak" va b.).

2. Yil fasli, ya'ni mavsum va mavsumiy-mehnat marosimi qo'shiqlari bahor, yer

haydash, ekin ekish, yoz, kuz, qish haqida (“Shoxmoylar”, “Qo’sh haydash”, “Lolajon”, “Zuhra xola” va dehqonlar qo’shig’i, “Sust xotin”, “Turna keldi”, “Hamal”, “O’roqchi”, “Mayda”, “Shamol chaqirish”, “Choy momo”, “Qor chaqirish”, “Do’rsido’rsi”, “Shohi Naqshband” va b.).

3. Yilnoma va taqvim bilan bog’liq qo’shiqlar (“Yo ramazon” yoki “Yo rabbi-man”).

O’zbek xalqi hayotidagi marosimlarni asosan jamoa-fuqarolik va oilaviy marosimlarga bo’lish mumkin. Marosimlarning barcha turi shahar va qishloq aholisining faol qatnashuvi bilan o’tadi. Jamoa marosimlari – Navro’z bayrami, Lola sayli, Qizlar bayrami, Ro’za hayiti (Iyd al-Fitr), Qurbon hayiti (Iyd al-Adha), Sumalak sayli va boshqalar bo’lib, ularni o’tkazish xalq urf-odatlarini, rasm-rusumlari bilan bog’langan. Har bir bayram o’z tarixiga ega. U xalqning ijodiy mehnati va hayot sharoiti bilan chambarchas bog’liqdir. Navro’z xalqimizning qadimiy bayramlaridan biri bo’lib 3,5-4 ming yillik tarixga egadir [1, 93].

Navro’z Sharq xalqlarining, xususan, o’zbek millatining ham eng qadimiy bayrami, tarixiy qadriyatlaridan biri bo’lib, insonga ilk bor bahor nafasini, yasharish, yangilanish zavqini chuqur his ettiradi.

O’tmishda “Sumalak” qo’shig’i jo’rsiz aytilgan va bevosita ushbu qo’shiq marosim jarayonida ayollar tomonidan ijro etilgan (hozirgi vaqtda qo’shiq ayrim joylarda doira jo’rligida ham aytilib, bu o’z navbatida qo’shiqqa jozibadorlik baxsh etmoqda). Biz yozib olgan “Sumalak” qo’shig’i cholg’u jo’rligida ijro etilgan bo’lib, boshlanishida cholg’u muqaddimasi bilan aytiladi. Qo’shiq bandi yakkaxon tomonidan sumalak tayyor bo’lganligini bildiruvchi

so’zlar bilan boshlanadi. Qo’shiqning asosiy ohangi kvarta oralig’idagi ikki taktili misrani qamrab oladi: ohang asosiy bosqich “si” tovushidan boshlanib, pastga “lya”ga harakat etadi va yana yuqoriga “re” tovushiga intiladi (qo’shiq Si ioniy lalida tuzilgan).

“Lola sayli” o’zbek xalqining qadimgi udumlaridan biri bo’lgan. Ba’zi hududlarda (masalan, Buxoroda) bu bayram “Qizil gul bayrami” (tojiklarda “Sayili gulisurh” deb atalgan). “Lola sayli” Navro’z bayramidan keyin (aprelning oxiri mayning boshlarida) lola va lolaqizg’aldoq ochilgan vaqtlarda o’tkazilgan. Bayram maxsus joylarda (sayilgohlarda) tashkil etilgan va bir necha kun davom etgan. Bu yerda kurash, ko’pkari (uloq), piyoda va otliq poygalar tashkil qilingan. Sayilgohda qo’shiqlar aytilib, baxshilar do’mbira chertib xalq dostonlarini ijro qilganlar. “Lola sayli” (xususan, qishloq joylarda) keng ko’lamda va katta zavq bilan o’tkazilgan.

Tog’da o’sadigan lola o’simligini madh etuvchi mazkur qo’shiq xalq orasida “Lolajon” deb atalgan. Ushbu qo’shiq o’zining yorqin kuy-ohanglari va sho’x, o’ynoqi doira usullari bilan shodlik to’yg’ularini ifoda etadi. Qo’shiq ikki qismli bo’lib, cholg’u yoki cholg’u ansambli jo’rnavorligida aytilib kelingan. “Lolajon” qo’shig’ining birinchi qismi 4\4 o’lchovida bo’lib, ravon (“yor-yor” usuliga o’xshash) usullari bilan bir tezlikda boshlanishi qo’shiq ohangiga yanada tantanavorlik, sho’x-shodonlik, ko’tarinkilik ruhiyatini bag’ishlaydi.

O’zbekistonning janubida bahor darakchisi boychechakka bag’ishlangan marosim erta ko’klamda adirlarda, dalalarda qorlar erishi, qish tugay boshlashi bilan o’ziga xos bayram sifatida nishonlangan. Boychechak ochilganini bilgan bolalar

to‘da-to‘da bo‘lib quvonib, talashib, boychechaklar terishgan. So‘ng “Boychechak” qo‘shig‘ini aytib, uyma-uy kirib, bahor darakchisining paydo bo‘lganligi haqida suyunchi olishgan. “Navro‘z” qo‘shig‘i (“Boychechak”, “Muborakbod”, “Navro‘z qutlug‘i” kabi turli nomlanishlari mavjud) bevosita Navro‘z bayramiga bag‘ishlangan tabrik-qutlov qo‘shiqlaridan biridir.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, xalqimizning tabiat bilan bog‘liq sayillari bahor faslining boshlanishi, aniqrog‘i, tabiatning jonlanishi, dehqonchilik yumushlarining boshlanishi bilan bog‘liq azaliy qadriyat sifatida ajdodlarimizdan meros bo‘lib kelayotgan tabiat bayrami bo‘lishi bilan birga, ezgulik timsoliga aylangan xalqona bayram hamdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirzayev T., Jo‘rayev M. Asrlarni munavvar qilgan bayram Navro‘z. -T.: 1992.
2. Abdullayev Rustambek. An‘anaviy o‘zbek musiqasi asoslari. -T.: 2022.

НИЯЗОВ Юсуф,

старший преподаватель Государственной консерватории Узбекистана

ОСНОВНЫЕ ВОПРОСЫ ОРКЕСТРОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЫКАНТА-ДУХОВИКА

Аннотация. Данная статья посвящена вопросам формирования музыканта-духовика. Современный музыкант-духовик в XXI веке должен иметь запас информационных знаний о произведениях и авторах которые создали эти произведения, он должен чувствовать форму, жанр, стиль исполняемой им музыки.

В статье достаточно подробно описаны вопросы оркестровой деятельности: игра в группе, поддержание строя (по вертикали и по горизонтали), штрихи, тембр, артикуляции, соблюдение динамического баланса при оркестровой игре, а также акустика в студии или в оркестровой яме и т.д.

Ключевые слова: оркестр, ансамбль, интонация, предслышание, артикуляция, сольная фраза, динамический баланс, фразировка.

Аннотация. Ушбу мақола дамли чолғулар созандасини шакллантиришга бағишланган. XXI асрда яшаётган замонавий дамли чолғулар созандаси ижро қилинаётган мусиқанинг услуби, жанри, шаклини ҳис қилиши, асарни яратган муаллифлар тўғрисидаги ахборотга эга бўлмоғи керак.

Мақолада оркестр фаолияти етарли даражада батафсил баён этилган. Унда жамоа бўлиб чалиш (вертикал ва горизонтал), штрихлар, тембр, артикуляция, шунингдек, айниқса студия ёки оркестр ямасида чалганида акустик ва динамик мувозанат ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратиш жуда муҳимдир.

Калит сўзлар: оркестр, ансамбль, интонация, олдиндан эшитиш, артикуляция, яқка жумла, динамик мувозанат, жумла тузиш.

Annotation. This article is devoted to the formation of a musician playing wind instruments. A modern musician who plays wind instruments in the 21st century must have a stock of informational knowledge about the works and the authors who created these works, he must feel the form, genre, style of the music he performs.

The article describes in sufficient detail the issues of orchestral activity: playing in a group, maintaining the order, both vertically and horizontally, strokes, timbre, articulations, maintaining dynamic balance in orchestral playing, as well as acoustics in the studio or in the orchestra pit, and so on.

Keywords: orchestra, ensemble, intonation, anticipation, articulation, solo phrase, dynamic balance, phrasing.

Современный музыкант-инструменталист, занимающийся оркестровой деятельностью, вовлечен в творческий процесс, который включает концертную практику, репетиционную работу и самостоятельные занятия.

Концертная практика имеет различные формы, которые оказывают влияние на оркестровую деятельность, такие как плановые выступления, внеплановые концерты, гастрольные поездки в составе оркестра, участие в работе над звуко-

записями и другие. Выступления могут проходить под руководством постоянных дирижеров или с приглашенными дирижерами. Работа в симфоническом, духовом и эстрадном оркестрах также имеет свои особенности.

Однако успешность концертной деятельности зависит от организации репетиционной работы оркестра, которая включает в себя не только общие репетиции, но и групповые занятия, проводимые концертмейстерами групп инструментов, а также от самостоятельных занятий каждого музыканта для поддержания исполнительского уровня и совершенствования техники игры.

Весь процесс оркестровой деятельности музыканта включает самостоятельную работу над исполнительским аппаратом и оркестровыми трудностями, работу в группе однородных инструментов, работу в составе оркестровой группы, репетиционную практику в составе оркестра и концертные выступления или участие в звукозаписи.

Для более детального анализа оркестровой деятельности музыканта-духовика можно выделить несколько уровней: игру в составе оркестра, игру в оркестровой группе медных или деревянных духовых инструментов и игру в группе однородных инструментов. Представленная структура оркестровой деятельности частично раскрывает ее содержание.

В процессе репетиционной работы музыкант производит предварительную подготовку музыкального материала в зависимости от количества репетиций и включения новых произведений в программу выступления. Важно учитывать общие принципы профессионального мышления, такие как особенности слуховой деятельности оркестровых музыкантов, работа с нотами и преодоле-

ние трудностей, связанных с партиями духовых инструментов.

Репетиционная деятельность отличается от концертной по технологическим и психологическим вопросам, включая взаимодействие с коллегами по группе однородных инструментов, другими группами духовых инструментов, музыкантами из других оркестровых групп и дирижером.

Технология и психология оркестровой деятельности духовика-музыканта основываются на принципах ансамблевого исполнительства, так как этот вид музыки произошел от ансамблевого музицирования. Хотя оркестровая и ансамблевая игра имеют много общего, существуют существенные отличия, связанные с делением оркестра на группы инструментов, чего нет в ансамблевой практике. В оркестровой исполнительской деятельности музыкант-духовик играет в основном в ансамбле, и только небольшое время отведено под сольную игру.

Готовность оркестровых музыкантов к исполнению произведения, которое имеет многогранный и глубокий смысл, зависит от того, насколько полностью они осознают общую форму произведения, функции каждой группы инструментов в ее построении и развитии, а также роль каждой группы в отдельных фрагментах произведения, которые отличаются по типу оркестровой фактуры. Это понимание является основой для убедительного исполнения произведения. Такое единство технических и художественно-содержательных аспектов зародилось еще в ранней истории инструментального исполнительства, начиная с традиций исполнения полифонической музыки и музыки раннего барокко, и затем нашло дальнейшее развитие в классической музы-

ке, окончательно укрепившись в музыке композиторов-романтиков.

Тўғри сўзи аччиғ-туруш,
Сил, эски бачча, чойфуруш,
Ҳофиз Умар, Қахҳор экан.

...

Кам ғайри Қахҳору Умар,
Фарғонада ҳофиз дигар,
Билмас эканман беҳабар,
Навмидлар хушхон экан.

Филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовнинг Абдулла Қодирий ва унинг замондошларига бағишлаб ёзилган энциклопедиясида бу созандаларга қуйидагича таъриф берилди: “Умар, Қахҳор – Муқимий даврида бутун Фарғона водийсида донг чиқарган Исфаранинг машҳур халқ ҳофизларидан” [3; 188].

Мадумар ҳофиз Ҳамроқул қори, Тўйчи ҳофиз, Юнус Ражабий сингари санъаткорларнинг издоши ҳисобланади. Мусиқашунос олим Соибжон Бегматов ҳофизлик санъатининг асосий мезонлари, унинг энг муҳим вазифаларини изоҳлашга бағишланган китобида келтиришича: “Мадумар Ҳофиз ижро услуби Қўқон ижрочилик мактабида кенг оммалашган ва кейинги даврдаги ривож учун ўз таъсирига эга бўлган

ана шундай ижро услубларидан бири бўлиб келган. Шу боис бўлса керак, Мадумар Ҳофизнинг ўзбек хонандалик санъати тарихида забардаст устоз ҳофиз сифатида номи қолган” [4; 51].

Исмоил найчи – ўзбек, тожик, уйғур халқлари орасида Исмоил устод, Исмоил кўса номлари билан машҳур бўлган. Най чалишдаги маҳорати туфайли эл оғзига тушган созандалардан бири бўлган. Ғулом Каримовнинг ёзишича, “Муқимий замондоши Исмоил ота билан дўстона алоқада бўлиб, унинг санъаткорлик талантига ҳурмат билан қаранган” [2; 216].

Мумтоз мақом намуналаридан – Баёт, Чоргоҳ, Ушшоқ, Сувора сингари мумтоз куйларни найда маромига етказиб, ўзига хос услубда ижро этган. Созандалик санъатини Шарқий Туркистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатларда намойиш қилган. Исмоил найчининг бой ижро услуби хусусиятлари кейинги давр санъаткорлари, ўғли – Ўзбекистон халқ артисти Абдуқодир Найчи ва невараси – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исҳоқжон Қодиров ижросида давом этган.

Муқимий ижодига оид намуналарни ўрганиш давомида тўрт шеър айнанан Исмоил найчига тегишли эканлиги аён бўлди. “Кўсамен”, “Ҳайрон кўсамен”, “Паришон кўсамен”, “Девонамен” шулар қаторига киради.

Ҳар шаҳарда кўп агар юрсам, бир ой юргум келур,
Найлайин савдойи, аҳволим паришон кўсамен.
Найчилик бўлди фалак бедодидин охир ишим,
Йўқса, бир вақтда сурган даври даврон кўсамен.

(“Кўсамен”)

Ғулом Каримовнинг ёзишича: “... Муқимий бу санъаткор (Исмоил найчи – Н.К.) билан дўстона алоқада бўлиб, енгил ҳазил йўли билан унга бағишлаб юқори-

даги шеърларини ёзган бўлса-да, лекин бу фактлар тагида аччиқ ҳақиқат ётади” [5; 186]. Зеро адиб яшаган даврда халқ орасидан етишиб чиққан санъаткорлар

фақирона ҳаёт кечиришган. Ўз навбатида Муқимий ҳам бу мавзуга такрор-такрор мурожаат қилиши ортида, гўёки ўз тимсолини гавдалантиргандек туюлади.

Мамажон Макай, Макайхон, Макайлик – Муқимий замонасида халқ орасида катта шуҳрат қозонган машҳур санъаткор ҳофизлардан бўлиб, асли исми Муҳаммаджон. Асли Қўқонга яқин “Макай” қишлоғидан бўлганлиги

сабабли “Макайлик” номи билан ном қозонган.

Ғулом Каримовнинг таъкидлашича: “Замонасининг машҳур ҳофизларидан, Фарғонанинг, умуман, Туркистоннинг кўп шаҳарларига бир неча марта гастроль билан чиққан, унинг 1891 йилда Тошкентга келгани ва зўр муваффақият билан ўз санъатини намойиш қилгани маълум” [2; 67].

Қилсам гаровин жондин, чиқсанг шаку гумондин,
Сандин бўлак улфатдин, безорман Макайлик.
“Ушшоқ”, “Баёт” га дилтанг, ёқмайди ўзга оҳанг,
Тинглай ўзинг ўқусанг, “Гулёр” ман Макайлик.

Муқимийнинг санъат аҳлига бағишланган яна бир мусиқий намунаси Шобарот ҳамда Шоҳи Жалилга атаб ёзилган:

Ҳамроҳу жўраларинг сенинг Шобаротдир,
Шоҳи Жалил хониши қанду наботдир,
Ҳар қайси ноҳидонаю олий сифотдир,
Аркини базму айш алардан саботдир,
Ҳар ваҳтиким дуонгиз этиб, ашкбормен...

Фарзинхон ҳофиз – Муқимий шеърларида Фарзинхон, Фарзинча номи тез-тез учраб туради ва зўр санъаткор сифатида тилга олинади. Етук ҳофиз ва созанда, дутор ва танбур чолғуларининг моҳир ижрочиси сиймосида ҳақиқий санъаткор тимсоли намоеён бўлади. “Фарзин” сўзи шахмат ўйинида “энг кучли дона”, “сипоҳ” маъноларини англатади. “У шахмат билан кизиб, унда зўр маҳорат қозонгани учун “Фарзинча”, “Фарзинхон” лақаби билан шуҳрат топган” [2; 68]. Фарзинхон ҳофиз юқорида номлари зикр қилинган донишмандларнинг нодир назмларини ёд олди, уларнинг ҳикматларга тўла маъноларини қалбига муҳрлади.

Дастлаб Тошкентдаги турли йиғинлар, тўй-маъракаларда ишти-

рок эта бошлади, “Шарқия” кечаларида, кейинчалик Исфара, Ўш, Туркистон ва бошқа жойлардаги турли сайилларда, қўшиқ беллашувларида қатнашган. Фарзинхон ҳофиз ижросидаги мусиқий намуналар XX аср бошида граммофон пластинкасига ёзиб олинган. Унинг ижро анъаналари кўпгина ҳофизлар, жумладан, Ҳамроқулқори, Мулла Тўйчи ҳофиз ижодига таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қайд этилишича, “... ўзининг кенг диапазонли, ёқимли ва ширадор овози, дардли, хис-туйғуларга бой ижро услуби билан шуҳрат қозонган. Муқимий унга ҳофизларнинг “беки” сифатида нисбат берган [6]. Мавлоно Муқимий Фарзинхон ҳофиз исмини ўз шеърларида тез-тез тилга олган:

Рози дил бир-бир сабоға шарҳ қилдим, ёрга
 Гар деган бўлса, мабодо тоза уқтурганмукин?
 Жўралар базмида арз айланг гаҳи Фарзинчага,
 Эсидин чиқмай Муқимий, ёдида турганмукин?

Фарзинхон Ҳофиз ижро бисотидан катта ашулалардан – “Патнус Ушшоғи”
 Фарғона-Тошкент мақом йўлларида ва ўзи басталаган ашулалардан – “Бу на
 – “Тошкент ироғи”, “Ушшоқ”, “Баёт”, савдо кардан” каби асарлар ўрин олган.

Сўз қил, Муқимий, мухтасар, ўюнда лочин ҳамлагар,
 Хулласки, рангин жилвагар, мўъжазки Фарзинхон экан [7; 150].
 Муқимий яқин дўсти бўлмиш Фурқат ҳам санъаткорни
 Айлар эрди гоҳ Фарзинхон “Сувора” машқини
 Яхши савт ила Фузулийдин ўқиб ашъорлар [8; 180].

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов — ҳофизлик санъатини юксак поғоналарга кўтарган етук намояндалардан биридир. Шарҳ мумтоз адибларидан – Ҳофиз, Навоий, Машраб, Бедил, Фузулийларнинг ижоди билан яқиндан танишиб, уларнинг ғазаллари асосида ашулалар ижро этган. Тошкент услубидаги мумтоз мусиқий репертуарни бойитган ижрочи, ҳофиз сифатида тарихда қолди. Мусиқа-шунос олим Отаназар Матёқубовнинг ёзишича: “У (Мулла Тўйчи – Н. К.) Муқимий ва Фурқат каби шоирлар билан дўстона алоқада бўлган. Ўз даврининг йирик ашулачи ва созандалари билан яқин муносабатда эди. Улар: Устоз Мадумар – Қўқондан, Содирхон ҳофиз – Хўжанддан, Ҳожи Абдулазиз – Самарқанддан ва бошқалар” [9; 328-329].

Шариф Юсуповнинг “Ҳофизлар Сардори” номли мақоласида айтилишича, “Мулла Тўйчи ...тез орада бутун Туркистон ўлкасининг машҳур ҳофизига айланди. Кишилар катта йиғинларда узоқ шаҳарлардан унинг хонишларини тинглашни орзу қилиб келадиган бўлиб қолдилар. Унинг хонишларини турли давраларда эшитган Муқимий, Фурқат каби шоирлар бирин-кетин унинг ижроси учун ғазал, мураббаъ, му-

хаммаслар битиб берадиган бўлишди” [10; 11]. Тўйчи ҳофиз кўплаб мамлакатларда бўлди. Жумладан, Эрон, Туркия, Италия, Миср, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон шаҳарларида ижрочилик маҳоратини намойиш қилган.

Атоқли ҳофизни кўрган, санъатидан бевосита баҳраманд бўлган замондошларининг айтишларича: “Мулла Тўйчи ижро этган ашулалар ниҳоятда таъсирчанлиги, сўзларининг аниқ ва равшан айтилиши билан ажралиб туради... Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов халқ орасида жуда машҳур эди. У ўзининг соддадиллиги, самимийлиги, меҳрибонлиги билан ҳамманинг муҳаббатини қозонган эди; унинг атрофида энг яхши мусиқачилар – Шобарот (танбурчи ва ашулачи), Абдуқодир Исмоилов (найчи), Шораҳим Шоумаров (ашулачи), Аҳмаджон Умурзоқов (қўшнайти) кабилар тўпланган эди” [11; 31]. Мулла Тўйчининг ижро дастурларидан ўрин олган мумтоз мусиқий намуналардан “Фифон”, “Сегоҳ”, “Ушшоқ”, “Баёт”, “Гиря”, “Гулёри Шаҳноз”, “Илғор”, “Нолиш”, “Таронаи Дуох”, “Янги Курд”, “Кўча боғи”, “Шитоб айлаб”, “Эшвой”, “Ироқ”, “Ул кун жонон” каби ноёб асарлар ўрин олган.

Мухтасар қилиб айтганда, Муқимийнинг кўплаб ғазаллари санъаткорлар томонидан куйга солинган. Бир қатор шеър, ғазал ва мураббаъларида мусиқа ва мусиқачиларнинг таърифи берилган. Бундан ташқари шоир замондош санъат усталари ҳақида ҳам кўплаб маълумот беради.

Бу эса адибнинг мусиқий қарашларига ҳам қизиқиш уйғотади. Маълумки, Муқимий шеърлари асосида яратилган мумтоз ашула, катта ашула, мақом йўллари, ўзбек бастакорларининг бадиий баркамол ашуллари ниҳоятда кўп ва машҳур. Бу эса алоҳида мавзудир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Уйғун. Муқимий. ЎзФан нашриёти. -Тошкент: 1942.
2. Каримов Ғулом. Муқимий ҳаёти ва ижоди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. -Тошкент: 1970.
3. Каримов Наим. Абдулла Қодирий замондошлари. -Тошкент: “Akademnashr”, 2020.
4. Бегматов Соиб. Ҳофизлик санъати. “Мусиқа” нашриёти, -Тошкент: 2007.
5. Муқимий. Икки томлик асарлар тўплами. II том (Нашрга тайёрловчи Ғулом Каримов). -Тошкент: 1960.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
7. Муқимий. Асарлар тўплами, I жилд, -Тошкент: 1960.
8. Фурқат. Танланган асарлар. Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти. -Тошкент: 1958.
9. Матёқубов Отаназар. Мақомот. “Мусиқа” нашриёти, -Тошкент: 2004.
10. Юсупов Шариф. Ҳофизлар Сардори//“Гулистон” журнали. 1-сон, 1990.
11. Олимбоева Карима, Аҳмедов Маҳмуд. Ўзбекистон халқ соҳначилари. -Тошкент: 1959.

ҲАЙДАРОВ Ҳумоюн,

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институти

катта ўқитувчиси

“ҚОБУСНОМА” – КЛАССИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИ НАМУНАСИ СИФАТИДА

Аннотация. Мазкур мақолада “Қобуснома” асарининг мусикий таълимдаги аҳамияти ҳақида сўз боради. Муаллиф илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган назарийчи-олим Кайковус Унсур-ал-Маолийнинг кўриб чиқилган асари билан мусиқачиларга қимматли тавсиялар беради.

Калит сўзлар: Қобуснома, мусиқа, хонанда, ҳофиз, Форобий, Кайковус, таълим, рисола, тавсия.

Аннотация. В данной статье идет речь о роли произведения “Кабус-наме” в музыкальном образовании. Автором рассматриваемого произведения Унсур-л-Маолий, выдающимся учёным-теоретиком, внесшим значительный вклад в развитие науки, даны ценные рекомендации для музыкантов.

Ключевые слова: Кабус-наме, музыка, певец, хафиз, Фараби, Кей-Кавус, образование, трактат, рекомендация.

Annotation. This article will discuss the role that the “Kabus-name” plays in music education. The author of the considered work, Unsuru-l-Maoliy, an accomplished theoretical scientist, who made a substantial contribution to the advancement of science, offers insightful advice for musicians.

Keywords: Kabus-name, music, singer, Hafiz, Farabi, Key-Kavus, education, treatise, recommendation.

Инсон камолоти, унинг илми ва маърифатли бўлиб улғайиши ҳар бир соҳанинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Айнан таълим, унинг инсон ҳаётидаги ўрни хусусида ўтмиш алломалари қайғурганлар ва имкон қадар ўз асарлари ҳамда тадқиқотларида келажак авлод учун керакли маълумотларни қолдиришга ҳаракат қилганлар. Форобийнинг “Китабул мусикий ал-кабир” (“Мусиқага доир катта китоб”), “Калам фил-мусиқа” (“Мусиқа ҳақида сўз”), “Китабул мусиқа” (“Мусиқа китоби”), “Китабун фи-ихсабил-улум” (“Фанлар таснифига доир китоб”) каби асарларида, Ибн Синонинг “Шифо”, “Нажот”, “Ишорат” ва “Донишнома”, “Тиб қонуни” каби

асарларида ўз даври ҳамда келажак авлод учун кўплаб таълимотлар мерос қолган [1; 12-13]. Таълим-тарбияга оид энг эътиборли манбалардан яна бири Кайковуснинг “Қобуснома” [2] рисола-асидир. Унда “Эй фарзанд...” дея қилинган мурожаат орқали комил инсон этиб тарбиялаш ғояси илгари сурилган. Муаллиф асарни ўғли Гилоншоҳга бағишлаган [3]. Берилган тавсияларнинг аксарияти бевосита таълим билан боғлиқ десак, адашмаган бўламиз. Асар ўзида кўплаб соҳаларни қамраб олган бўлиб, ҳар ким керакли тавсияларни олиши мумкин. Жумладан, ўттиз олтинчи “Ҳофиз ва созандалик зикрида” деб номланган бобда мусиқачи учун зарур бўлган тавсиялар берилган бўлиб, у

бевосита муסיқа таълимининг ўзига хос тури ҳисобланади. Чунки бу тавсиялар орқали ижрочи бир вақтнинг ўзида сахна маданияти, ижро дастурига алоҳида эътиборли бўлиши, жамиятнинг турли кишилари қаршисида ўзини қандай тутиши кераклиги, инсонларнинг ташқи кўринишлари орқали уларнинг қалбига манзур бўладиган асарларни ижро этиш каби қимматли маълумотларни олиши мумкин. Бу эса муסיқа таълимининг ижрочиликда учрайдиган алоҳида жиҳатларидан биридир. “Қобуснома”да, ҳозирги кун назари билан қаралганда, *муस्ताқил таълим тури* мавжуд десак, муболаға бўлмайди. Чунки бу маълумотлар ёрдамида ўз устида муस्ताқил ишлаш, тавсияларни амалиётда қўллаш имкони бор. Улар инсон ҳаётида машғул бўладиган деярли барча тармоқларни ўз ичига қамраб олади. Муסיқа соҳасида ижрочининг муस्ताқил равишда ижро дастурини кенгайтириб бориши, ўз устида ишлаганда айнан қайси жиҳатларга эътибор қаратиши мумкин бўлади. Бу эса ижрочини ўз устида ишлашга мажбур этади ҳамда ривожланиши учун туртки вазифасини ўтайди.

“Эй фарзанд, агар ҳофиз бўлсанг, хушфеъл, қувноқ бўл, ҳамиша пок, мутайяб (хушрўй) ва хуш забон бўлгил ва ўз ишинга машғул бўлгил, ярамас хулқ, кўпол башара бўлмагил”, – деб бошланган жумлада ижрочи учун таълим билан бирга тарбия масаласи ҳам келтирилади. Ҳофизликнинг муҳим сифатлари фақатгина моҳир ижрочилик эмас, балки хушфеъл бўлишлик, қалбан яхшиликка интилувчи, ташқи кўринишга ҳам эътиборли бўлишлиги қатъий таъкидлаб ўтилади.

Юқоридаги жумладан Кайковус ҳофизнинг тарбиявий жиҳатига эътибор қаратган бўлса, қуйидаги жумлалар

орқали унинг кузатувчанлик хусусияти ҳақида фикр юритади: “Бир мажлисда ўлтурсанг, мажлис аҳлига қарагил, агар эшиттувчи қизил юзлик ва мош-биринч (мошгуруч) соқоллик бўлса, пайвас (доимий) зер (муסיқийда энг ингичка ва нозик овоз) тор била чертгил; агар сариқ юзлик бўлса, бўш тор била чертгил; агар қора юзлик, наҳиф (озғин) ва савдойи бўлса, кўпроқ уч тор била чертгил, агар оқ, семиз ва мартуб (хўл) бўлса, кўпроқ бам (муסיқадаги баланд тон) била чертгил, нединким, бу руд (муסיқа чолғуси)ни одамнинг тўрт таъби учун муҳайё қилмишлар” [2; 126]. Бу маълумотлар ҳозиргача ижрочиликдаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Таълим жараёнида сахнада ижро этиладиган асарлар билим масканида олиб бориладиган дастурлар ёки устознинг ўзига хос мактабига оид асарлардан иборат бўлади. Ўқувчи ёки шогирд муस्ताқил ижод йўлини бошлагандан сўнг тингловчилар қаршисига чиққанда кўп ҳолларда “Қобуснома”даги тавсияларнинг муҳимлилик даражаси ортиб боради. Афсуски, кўп ижрочилар ушбу қимматли маълумотларга амал қилишмайди ёки улардан мутлақо беҳабар бўлишади. Бу эса ижрочининг мавқеёига салбий таъсир кўрсатади. Маълумки, ўзбек муסיқасининг гултожи бўлган мақомлар аксарият ҳолларда саройларда, юқори мартабали инсонлар даврасида, мақом билимдонлари қаршисида ижро этилган. Бунда ижрочининг “Қобуснома”дан хабардорлиги муҳим аҳамият касб этган. Халқ орасида эса бу маълумотлар ижрочи учун янада юқори аҳамиятга эга бўлади. Чунки турли касб эгалари, ҳар хил хулқ-атворга эга кишилар кўпчиликини ташкил этади. Ижро этилаётган асарга тингловчилар эътиборини қаратиш, санъати билан ром этиш уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳол-

да амалга оширилиши асарда келтирилган фикрларнинг асл моҳиятидир.

Устоз-шоғирд анъанасининг қимматли хусусиятларидан бири – таълим билан бирга тарбиянинг ҳам параллел равишда олиб борилишидир. “Қобуснома” да шу жиҳатга ҳам эътибор қаратилган. Жумладан: “Агар сени бир мажлисга олиб борсалар, унда икки киши нарда ўйнаб ўтирғон бўлса, гарчи сен нардабоз бўлсанг ҳам, ҳофизликни тарк этиб, уларнинг таълим ва томошасига машғул бўлма, чунки сени ҳофизлик учун келтирмишлар, нардабозлик учун келтирғон эмаслар” [2; 126], – дея мурожаат қилинади. “Нардабоз” мисолида бошқа кераксиз амаллар ижрочи учун номаъқул эканлиги илгари сурилади. Яъни ҳофиз таклиф этилган даврада асосий вазифасидан бошқа ҳар қайси машғулот унинг учун салбий оқибатлар билан якун топиши огоҳлантирилади.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтсак. Устоз-шоғирд тизими мавжуд вақтларда “Қобуснома” да берилган маълумотлар турли кўринишларда ўргатиб келинган [4; 15]. Лекин кўпинча оғзаки кўринишда бўлган, яъни ёзиб қолдирилмаган. Шу сабабли баъзан бу фикрларни тўла англаб етиш, амалиётда қўллаш доим ҳам тавсия этилганидек бўлмаган. Хулоса қилиш мумкинки, бу манба мусиқа таълимининг яна бир ўзига хос усули бўлиб, ҳозирга қадар хусусияти ва аҳамиятини йўқотмаган. Шунинг учун вақт синовидан ўтган ва долзарблигини сақлаб қолган бу рисоланинг мусиқага оид қисмидан, айниқса, анъанавий хонандалик ва анъанавий чолғу йўналишида таълим олаётган ўқувчи ва талабаларнинг энг муҳим дастуруламали сифатида фойдаланиш мақсада мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ражабов Исҳоқ. Мақомлар. -Т.: 2006.
2. Кайковус Унсур-ал-Маолий. Қобуснома. Адабий-бадиий нашр. Нашрга тайёрловчилар: Долимов С., Долимов У. -Т.: 1994.
3. Матёқубов Шавкат. Анъанавий ижрочилик санъати тарихи. Ўқув қўлланма. -Т.: 2015.

<https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/kaykovus-qobusnoma.html>

АМОНОВ Дилшод,

Ўзбекистон давлат консерваторияси докторанти (PhD)

МУАЛЛИФИ НОМАЪЛУМ ҚЎЛЁЗМА

Аннотация. Мазкур мақолада ўрта асрларда яшаб ижод қилган олимлар ва уларнинг ижодий маҳсули, шу билан бирга муаллифи номаълум қўлёзма ҳақида атрофлича сўз боради.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, маданият, рисола, олим, мусиқа, илм, Хожа Юсуф Бурҳон, Дарвеш Фазлулоҳи Нойи, Кавкабий, қўлёзма.

Аннотация. В данной статье раскрывается работы учёных и их трактатов, написанных средневековья, и в том числе о трактате неизвестного автора.

Ключевые слова: Центральная Азия, культура, трактат, учёный, музыка, наука, Хожа Юсуф Бурхан, Дарвеш Фазлуллахи Нойи, Кавкаби, рукопись.

Annotation. This article reveals the works of scientists and their treatises written in the Middle Ages, including the treatise of an unknown author.

Keywords: Central Asia, culture, treatise, scientist, music, science, Khoja Yusuf Burkhan, Darvesh Fazlullahi Noyi, Kavkabi, manuscript.

XV-XVI асрлар Марказий Осиёда оғир тарихий даврда – Темурийлар давлатининг сиёсий инқирозга учраши ва емирилиши, Мовароуннаҳрда янги ҳукмрон сулола – кўчманчи ўзбек Шайбонийлар сулоласининг ўрнатилишидир. Амир Темур асос солган қудратли давлат тизими аста-секинлик билан заифлашиб, Марказий Осиёда Шайбонийлар (1501-1598), Шарқий Туркистон ва Ҳиндистон ҳудудларида Бобурийлар (1526-1857), Хуросон ва форс заминида Сафавийлар (1501-1732) султонликлари юзага келишига сабаб бўлди. Темурийлар империясининг сўнгги маркази бўлмиш Ҳиротнинг маданий-маърифий вориси сифатида Шайбонийлар давлатининг пойтахти қадимги Бухоро майдонга чиқди. Сўзимиз исботи сифатида Хусайн Бойқаро саройида Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва Алишер Навоий (1441-1501) ҳамда Хусайн Воиз Кошифий (1440-1505), Камолиддин Би-

ноий (1453-1512), Камолиддин Беҳзод (1455-1537) каби буюк ижод аҳли қаторида Устод Қулмуҳаммад Удий, Устод Саййид, Устод Шоҳқули Ғижжак, Аҳмад Ғижжак, Устод Шайх Фонийлар нафақат Хуросонда, балки бутун Ислон дунёсида ном чиқарган етук олим алломалар ҳам бўлган.

Мусиқага бўлган қарашлар мусулмон маданиятининг мавзу ва жанри бўйича адабиётларда кенг ва ранг-баранг ўз аксини топган. Унинг ривожланиши араб тили анъаналари доирасида содир бўлди, жумладан, адабиёт – бадиий адабиёт, тарихнавислик, илмий ва умумий адабий жараённинг таъсирини ўзида мужассам этган адабий услуб ва поэтикани бирлаштиради. Ушбу манбаларнинг муаллифлари ёзувчилар, тарихшунослар ва қомусий олимлар бўлган.

Мусиқа санъатида ёзувчи зиёлиларнинг алоҳида қизиқишини қайд этиб, Х. Ж. Фармер шундай дейди: “Мусиқа бутун дунёда мавжуд тарихчилар, био-

графлар ва назариётчилар томонидан илгари сурилган. Уларнинг орасида араб адабиётининг бир қатор таниқли номлари ҳам бор эди” [1; 163-164].

Ўрта аср араб адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳақида тадқиқотчи Фильштинский И. М. шундай ёзади: “Ишбилармонлик ўртасидаги чегара илмий-ибратли ва бадий адабиёт (прозали асарлар)да етарлича ифодаланмаган” [2; 225]. Мақсаднинг кўп функциялилиги, унда тўлақонли мусиқий адабиётда ҳам қўлланилади десак, муболаға бўлмайди. Турли жанрдаги материаллар аралашмасида ифода этилган сифатлар – дидактик, бадий ва илмий услублар, мусиқа ҳақидаги турли қарашлар – диний, бадий, эстетик, афсонавий, амалий ва илмий – кўпинча бир хил манбаларда ўзаро боғланган.

X-XV асрларга назар ташласак, Шарқ мусиқашунослигида Марказий Осиёдан чиққан уламо ва мутафаккирлар мусиқий илмнинг шаклланиши ва ривожига салмоқли ҳисса қўшганлар: Ал-Кинди (тахминан 800-870, Бағдод) [3; 297-312], Абу Наср Форобий (870-950, Дамашқ) [2], Абу Абдуллоҳ Хоразмий (X аср) [3], Абу Али ибн Сино (980-1037) [4], Сафиуддин Урмавий (тахминан 1216-1294) [5], Абдулқодир Мароғий (1353-1435) [6] ва бошқалар. Уларнинг орасидан XV асрнинг иккинчи ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган Нажмиддин Кавкабийни (1532-1533 вафоти) алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу даврда (тахминан) номаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзилган рисола бизгача етиб келган. Қўлёзманинг биринчи сатрлариданоқ мусиқа ҳақида сўз юритилмай, мусиқа илмини ўрганмоқчи бўлган ўқувчи ҳақиқий мусулмон, ўз динининг содиқ издоши бўлиши бўйича маслаҳат берилган. Ислом динига асос солинганидан бери кўп асрлар ўтишига

қарамасдан, унинг диний таълимотида катта ички ўзгаришлар рўй бериши керак эди, шу сабабли исломнинг санъатга муносабатини тавсифловчи ҳужжатнинг рисола сифатида пайдо бўлиши тарихий имкониятга айланди.

Ўрта аср мусулмон олимлари ўз асарларини

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

(Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан) ибораси билан, баъзан бу калимага яна

و بِهِ اسْتَعِیْن

(ва ундан ёрдам тилаб) ёки шу каби иборани қўшиб бошлаганлар. Масалан, ибн Синонинг

” جوامع علم الموسيقى “

(“Мусиқага оид тўлиқ китоб”и) қўлёзмаларидан бири

و ما بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ تَوْفِیْقِیْ اِلَّا بِاللّٰهِ

(Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан, менинг муваффақиятим фақат Аллоҳнинг ёрдами биландир) деб бошланади. Бу ўз диёнатини таъкидлаш ҳам бўлган. Ибн Зайланинг “Мусиқага оид тўлиқ китоб”и

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

калимаси билан бошланади [9; 50]. Муаллифи номаълум мазкур рисола ҳам

سَمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ اَیْرُوْهِیْمِ

(Бисмиллоҳи-р-Роҳмани-р-Роҳийм, Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман) сўзлари билан бошланиб, сўз бошида: “Мусиқа илми, илоҳий сир-асрорларга бой санъат турларидандир, уни хос авлиёлардан бошқа ҳеч ким тушунмайдилар”. “Билки, бу рисола мусиқа илмининг баёни, барча илмлар орасидан танладим, устозлар тилидан олиб ёздим, ҳам амалий,

ҳам назарий жиҳатдан инсон камолотининг билишича имкон даражасида маълум қилишга ҳаракат қилдим”, – [10; 105] деб, бошқа илмлардан кўра мусиқа илми танлангани маълум қилинмоқда. Ўрта асрлар мусиқа эстетикаси билан танишишда муҳим ҳақиқатни доимо ёдда тутиш керакки, мусиқа бу давр назарийетчилари томонидан санъат сифатида эмас, энг аввало, аниқ фан сифатида тушунилган. Шу тариқа муаллиф мусиқа илмини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилган.

“Менинг мақсадим, мақомларнинг асли қандай пайдо бўлгани ва олти овоз қайси бири ва 24 шуъба қайси бири ва мухталиф (бошқача) рангларнинг жами нечта ва қаердан пайдо бўлганини аниқлашдир” [10; 105]. Муаллиф ўз даврида мақомларнинг қандай пайдо бўлганлигини тушунтиришга ҳаракат қилади, 6 овоз, 24 шуъба, рангларнинг жами нечталиги ва рисоланинг таркиби нимадан иборатлиги ҳақида маълумот беради: “Алалхусус, устозларнинг тилидан, Дарвеш Фазлуллоҳи Нойи ўз даврининг етук, тенгсиз мусиқачиларидан ва у шу фанни Шаҳзода жаноб Хожа Юсуф Хожа Бурҳониддин Раҳматуллоҳ Шайх ул-ислом Аҳмад Қосим қуддиса сирриҳу (“Қуддиса

сирриҳу” – арабча “сирри муқаддас бўлган”, деган маънони англатади ва вафот этганлар ҳақида айтиладиган дуо ҳисобланади) фарзандидан ўрганди, ушбу қасида толибларга файз берсин ва ушбу фанни ўрганишида кўмак берсин” [10; 105]. Мана шу сатрлардан кўриниб турибдики, бу кўлөзма авваламбор ўқув қўлланма, дарслик сифатида толибларга мўлжалланган. Муаллиф устозларнинг тилидан, алалхусус Дарвеш Фазлуллоҳи Нойи, Хожа Юсуф Бурҳониддиннинг шогирдидан ёзиб олганлигини таъкидламоқда.

Хожа Юсуф Бурҳон – “Ҳазрати шайх ул-исломий Аҳмади Жомий (қуддиса сирриҳу)нинг яқинроқ авлодидиндур. (Ҳазрати шайх ул-исломий Аҳмади Жомий Абу Наср ибни Абул Ҳасан (туғ. 1049, Жом. ваф. 1141, ўша шаҳар) олим, мутасаввуф шоир). Фақир ва фано тарийқида сулук қилур эрди. Ва тажарруд ва инқитоъ расмин кўп маслук тутар эрди. Ва жамаи аҳли туруқнинг соҳиб тарийқи эрди ва мусиқий илмин ҳам яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанида анинг шогирдимен. Кўпроқ ўз шеъриға мусиқий боғлар эрди. “Исфаҳон” амалини, бу байтиға боғлабтурким:

Расид мавсуми шодио айшу тараб,
Агар гадо ба муроди диле расад чи ажаб” [11; 27].

Шодлик, завқ ва хушчақчақлик мавсуми келди.
Агар гадо ҳам ўз дилидаги муродига етишса не ажаб!

(Д. А. таржимаси)

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридан шу маълум бўлмоқдаки, Хожа Юсуф Бурҳон суфийларнинг олий насабли сулоласидандир ва бу мазкур рисолада ҳам ўз тасдиғини топмоқда (Хожа Юсуф Хожа Бурҳониддин Раҳматуллоҳ Шайх ул-ислом Аҳмад Қосим).

Хожа Юсуф Бурҳон ҳақида Кавкабий “Рисолаи мусиқий” да ёзади: “Хожа Юсуф Бурҳон каминанинг устози (яъни Кавкабий ўзини назарда тутмоқда) ва жаноб Хожа Абдулқодирнинг шогирди (бу ерда Абдулқодир Мароғийни назарда тутмоқда)” [12; 52].

Шарқшунос олим Александр Джу-маевнинг фикрича: “Марказий Осиёда мусиқачи ва мусиқа назарийчилари орасида ўзига хос боғлиқлик риштала-ри мавжуд бўлган, мусиқа илмининг силсиласи (занжир), ушбу силсила Хожа Абдулқодир Мароғийга бориб тақалади. Охиргининг шогирди Хожа Юсуф Бурҳон (балки устозининг усто-зи), Мавлоно Нажмиддин Кавкабий Бу-хорининг устози, ундан мусиқа илмини шогирди Мавлоно Ҳасан Кавкабий ўр-ганиб, Дарвиш Али Чангийннинг устози бўлган” [13].

Юқоридаги манбаларга таянган ҳолда, демак, Кавкабий бевосита усто-злик шажараси бўйича Хожа Юсуф Бурҳондан Абдулқодир Мароғийнинг набира шогирди, деган фикрга келиш мумкин.

А. Фитрат Хожа Юсуф Бурҳон ҳақи-да: “Навоийнинг ўзи мусиқийни Хожа Юсуф Бурҳон деган атоқли бир му-сиқий олимдан ўрганди. Мусиқийнинг назарий-амалий ёқларидан яхши би-лар эди”, [14; 41] – деб айтиб ўтган. Де-мак, Фитрат Хожа Юсуф Бурҳонни ўз даврида мусиқий илми ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан етук билган мутахассислардан бири бўлгани билан бир қаторда олим даражасида ҳам кўр-моқда.

Кўриниб турибдики, Хожа Юсуф Бурҳон ҳақида илмий маълумотлар етарли эмас. Аммо уни Мароғийнинг илмий-назарий, билимининг Кавкабий давригача етказиб берувчи, ўз даври-нинг етук алломаларидан десак мубо-лаға бўлмас. Хожа Юсуф Бурҳон, Кав-кабий ва Алишер Навоийдан ташқари ҳам шогирдларининг борлиги ҳақидаги маълумот мазкур рисолада келтирил-ган (Дарвеш Фазлуллоҳи Нойи ўз дав-рининг етук, тенгсиз мусиқачилардан ва у шу фанни Шаҳзода жаноб Хожа

Юсуф Хожа Бурҳониддин Раҳматуллоҳ Шайх ул-ислом Аҳмад Қосим қуддиса сирриху фарзандидан ўрганди). Дар-веш Фазлуллоҳи Нойи ҳақида ҳам маъ-лумот берилган бўлиб, бевосита Хожа Юсуф Бурҳоннинг шогирди эканлиги ва мазкур қўлёзма унинг раҳнамоли-ги ёрдамида ёзилганлиги таъкидлан-моқда.

Дарвеш Фазлуллоҳи Нойи (тавал-луд санаси номаълум – Самарқанд, вафоти – 1511, Ҳирот), самарқандлик созанда ва бастакор мусиқа ва бошқа санъат йўналишларини она шаҳри Са-марқандда ўрганган. Мусиқий-назарий билимларни мукамал билган, шеъ-риятда ҳам рисоалар ёзган. Мусиқа илмидан Хожа Юсуф Бурҳониддиндан (Ҳирот) сабоқ олган, Абдурахмон Жо-мий (1414-1492) ва Алишер Навоий (1441-1501), Хожа Абдулла Марворид-нинг назарий сабоқларидан баҳраманд бўлган. Най чолғуси учун мусиқий та-снифи ўз даврида Ҳирот ва Самарқанд маданий ҳаётида жуда машҳур бўлган, кўплаб устозлар унинг: “Накши моҳ”, “Пешрави най”, “Амали хубон”, “Сав-ти дилситон” каби асарларини ўз ижо-диётида фойдаланишган. Шеъриятда Нойи тахаллуси билан ғазаллар ёзган” [15; 59]. Демак, Дарвеш Фазлуллоҳи Нойи шоир, бастакор ва машҳур созан-далардан бўлган.

“Рисола 12 бобдан иборат. Бу бечора 12 қавлдан 12 мақом пайдо бўлди. 12 имом учун ва ҳар бир қавл 12 бозғўйга эга. Рисола қуйидаги боблардан иборат:

1. 12 мақомнинг пайдо бўлиши баёнида.
2. 24 шуъба баёнида.
3. 6 овоз баёнида.
4. 24 шуъба баёнида 12 мақомдан олин-ган.
5. 6 овоз баёнида, унинг қандай олинган-лиги.

6. *Усулларнинг қандай пайдо бўлиши баёнида*
7. *Баҳри усул баёнида (тавсифи бўлиши мумкин).*
8. *Тароналар усуллари ҳақида.*
9. *12 га яна 5 баҳрнинг қўшилиши баёнида рангларнинг пайдо бўлиши.*
10. *Турли рангларнинг пайдо бўлиши баёнида* [10; 105].

12 сонини мусиқий асарларида илк бор Абдулқодир Мароғий ишлатган. Унинг 12 сонини бевосита 12 мақом сонига боғласак, муболаға бўлмас. “Жомеу-л-алҳон” [16] (“Муסיқа тўплами”) “Мақосидул-алҳон” [17] (“Муסיқа тўплами”) асарларида “мақом” атамасини қўлламадан, уларни оддийгина “боб” ва “фасл” деб атайдди.

XVI-XVII аср рисолаларининг баъзилари 12 бобдан иборат бўлиб, Нажмиддин Кавкабий [12] ва Дарвиш Али Чангийларнинг [18] “Рисолаи мусиқий”лари мисол бўла олади. 12 сонининг танланиши бевосита мақомларнинг 12 сони, 12 ой, 12 бурж билан боғланган бўлиши мумкин.

XVI асрда Ўрта Осиё халқлари санъати эски анъаналарни давом эттирди. Лекин айтиб ўтиш жоизки, бу даврдан бошлаб кўплаб мусиқий асарлар 12 бобдан иборат бўлиб, бу 12 мақом сонига мос келади. “Рисолаи мусиқий” (Муסיқа ҳақида рисола) бунинг яққол мисолидир [19; 36].

А. Фитрат “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” да ёзишчи: “Кавкабий Убайдуллохон исмига ёзиб тортиқ қилгани “Муסיқий рисоласи”нинг бошида кичкинагина бир фасл ёзиб, муסיқийнинг шариятга хилоф бўлмагани, катта авлиёлар томонидан ҳар вақт тингланиб келганини исбот этишга тиришган”.

Кўриниб турибдики, мазкур рисола мусулмончилик қонун-қоидаларига амал қилинган ҳолда, диний уламолар розилиги билан ёзилган. Муаллиф Бечора (муаллиф камтарлигини намён этиб ўзини Бечора деб атайдди) ҳам 12 бобга бўлади ва рисолаининг кириш қисмида: “Бу бечора 12 қавлдан 12 мақом пайдо бўлди. 12 имом учун ва ҳар бир қавл 12 бозғўйга эга”, – деб бошлайди. Бу рисолалар тасаввуфнинг ўзига хос хусусиятлари билан яққол бўялган деган фикр бевосита хаёдан ўтади, чунки мақомларнинг келиб чиқиши, шуъба, авозалар билан боғланган.

Мақомларнинг номларини пайғамбарларнинг исмлари билан боғлашди, Дарвеш Али муסיқий рисоласида: “Буюк муסיқашуносларнинг айтишича, Ходжа Абдулқодир бин-Абдураҳмон-и-Марғий, Ходжа Сайфуддин-и Абдулмўмин ва Султон Увайс “джелаир” бошида етти мақом бўлган, етти пайғамбар сонига. Ушбу етти мақомдан (лекин улар сони саккизга бўлган) Рост мақоми Одам атодан қолган. У ўзида жаннатдан ҳайдалган ва ҳаловатини йўқотган илк одамнинг кўз ёшини акс эттиради. Ушшоқ мақоми Нуҳ аждодларидан қолган, унинг исми “ноуха” – “ийғлаш” сўзидан олинган, чунки у жуда ҳам кўп йийғлар эди. Шундай қилиб, Наво мақоми Довуд пайғамбарга, Хиджоз мақоми Сулаймон пайғамбарга, Ироқ мақоми Айюб пайғамбарга, Хусайни мақоми Якуб пайғамбарнинг аждодларидан қолган, Рахови мақоми пайғамбар Муҳаммад с.а.в., Бусалик мақоми Умар Халифдан олинганлиги кўрсатилган”, [20; 7-8] – деган маълумотлар келтирилган. Муаллифи номаълум мазкур қўлёзма манбашунослик тарихи ва унинг Ўрта Осиё муסיқа маданияти билан умумий илдизларини ўрганишда ишончли ва қимматбаҳо манбалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Farmer H.G. A History of Arabian Music to the 13-th century. London, 1929
2. Фильштинский И. М. История арабской литературы (X–XVIII веков). -М.: “Наука”, 1991.
3. Peter Adamson. Before Essence and Existence: al-Kindi’s Conception of Being. Journal of the History of Philosophy. Baltimore. Том 40, Изд. (июль, 2002).
4. Даукеева С. Концепция музыкальной науки Абу Насра Мухаммада ал-Фараби в трактате “Большая книга о музыке”. -Москва: 2000.
5. Абу ‘Абдаллах Мухаммад ал-Харазми. Мифатих ал-’улум. Лейден, 1968; Хайруллаев М. М., Бахадиров Р. М. Абу Абдаллах ал-Хорезми. X век. -М.: “Наука”, 1988.
6. Арипов З. Т. Об особенностях образования музыковедческой терминологии в классическом арабском языке. -Т.: 2017.
7. Меҳди Хоссейни. О магаме в персидском музыкознании X-XV вв.
8. Абдуллаева С. А. Азербайджанские музыкальные инструменты очаровывают мир. -Баку: “Нурлар” изд. полиграфический центр, 2016.
9. Орипов З. Арабча мусиқа терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёти (X-XV асрлар Марказий Осиё олимларининг мусиқашуносликка оид асрлари асосида) -Т.: 2019. Б. 50.
10. Номаълум муаллиф, №8739/III: Рисоланинг номи ҳам номаълум. Қўлёзма, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти №8739/III. Таржима Амонов Д.
11. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис.
12. Рисолаи мусиқӣ; Рисола дар баёни Дувоздаҳ мақом. Таҳия, таҳқиқ ва тавзеҳот ба қалами Асқарали Раҷабов. -Душанбе: “Ирфон”, 1985.
13. Александр Джумаев. Абд Ал-Кадир Мараги и музыкальная наука Центральной Азии: К проблеме преемственности научного знания. 2018.
14. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. -Т.: 1993.
15. Донишномаи Шашмақом. Масъул муҳаррир Ражабов А. -Душанбе: 2009. Таржима Амонов Д.
16. Абд ал-Кадир Мараги. Джамии’ ал-алхан. Ба ихтимам-и Таки Биниш. -Техрон: 1987.
17. تهران. الألبان مقاصد. مراغي لقادر عبد. تعلیقات ببینش تقی 1966
19. Рашидова Дилбар. Дервиш Али Чангий и его трактат о музыке. -Т.: 1981.
19. Раджабов И. Р. Трактаты о музыке. -Т.: 2020.
20. Семенов А. А. таржимаси. Среднеазиатский трактат по музыке Дервиша Али (XVIII). -Т.: 1946.

МИРШОХИДЗОДА Гулрух,

базовый докторант (PhD) Государственной консерватории Узбекистана

ПЕРЕКЛИЧКА ВЕКОВ В ОПЕРЕ “ПРОБУЖДЕНИЕ” НУРИЛЛЫ ЗАКИРОВА

Аннотация. В данной статье рассматривается опера “Пробуждение” современного узбекского композитора Нуриллы Закирова в контексте исторической переклички рубежа XX-XXI веков. Автор статьи концентрирует научное внимание на проблемах драматургического развития, выявляет роль песни в организации музыкального материала, приходит к выводу тенденции симфонизации в оперном творчестве Нуриллы Закирова.

Ключевые слова: драматургия, песня, опера, сюжет, синтез, композитор, интонация, парититура.

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий ўзбек композитори Нурилла Зокировнинг “Уйғониш” операси XX-XXI асрлар чегарасидаги тарихий асар контекстида кўриб чиқилади. Мақола муаллифи илмий эътиборни драматургик ривожланиш муаммоларига қаратади, мусиқий материалда қўшиқнинг ролини аниқлайди ва композитор Нурилла Зокиров опера ижодида симфониялаштириш тенденцияси мавжуд эканлиги ҳулосаси берилади.

Калит сўзлар: драматургия, қўшиқ, опера, сюжет, синтез, композитор, интонация, партитура.

Annotation. This article discusses the opera “Awakening” by the modern Uzbek composer Nurilla Zakirov in the context of the historical roll call of the 20th - 21st centuries. The author of the article focuses scientific attention on the problems of dramatic development, reveals the role of the song in the organization of musical material, comes to the conclusion of the trend symphonization in the operatic work of Nurilla Zakirov.

Keywords: dramaturgy, song, opera, plot, synthesis, composer, intonation, parity.

Создание произведения на историческую тему всегда выдвигает перед композитором особые аспекты интерпретации. Это наиболее оригинально проявляется на современном этапе развития музыкального творчества, связанном с принципиально новыми подходами к осмыслению событий исторического прошлого, культурного наследия. “Узбекские композиторы многообразно воплощают в своих сочинениях культурные традиции, максимально мобилизуя для этого свои воображение и фантазию”

[1; 99]. Весьма интересные наблюдения возникают при изучении связи времён, переклички веков, как это обнаруживаются в опере “Пробуждение” Нуриллы Закирова. Поскольку в опере главным героем является Хамза, то эта история представляет собой новую интерпретацию исторической темы.

Сегодня, когда мы изучаем эту оперу, мы видим, как удивительно перекликаются события, явления общественной жизни Узбекистана. Опера написана в 1983 году по мотивам произведения Хамзы, (либретто М. Рахма-

нова). “70-80-е годы прошлого столетия дали нам такие понятия, -отметила Э. Мамаджанова, - как взаимодействие и взаимообогащение культур, национальное и интернациональное” [2; 188]. В этом отношении Закиров был одним из первых композиторов по-новому осмысливших наследие Хамзы, учитывая опыт зарубежного оперного творчества, что позволило ему найти оригинальные решения сюжета драмы Хамзы в контексте актуальных проблем современного узбекского музыкального театра.

Обратившись к драме “Бай и батрак” Хамзы, композитор мог бы написать на данный сюжет большую оперу, потому что, в ней важную роль играет народ, показ его жизни в сложное преломленное время, и такого рода драма естественно могла претендовать на жанра большой оперы. Но как всегда в своём творчестве Закиров шел в процессе создания произведения своим собственным индивидуальным путём. Он решил, что это будет не традиционная полнометражная опера, а камерная опера и его выбор был совершенно верным, несомненно сказалась экспериментальной работой над “Дуэлью”.

Известно, что в начале 1980-х годов и в мировом оперном творчестве определились новейшие тенденции развития жанра, появились альтернативные, и более жизнеспособные его разновидности в виде рок-опер, мюзиклов, тяготеющих к явной камернизации.

Анализируя оперу, мы видим, что композитор использует современный музыкальный язык, и вплетает интонации песен Хамзы в музыкальную ткань оперы, а также встречаем алеаторику, современный метод применения песенного жанра. То есть, Закиров вписывает песню в современную звуковую партитуру, в современную гармонию, в тембровую драматургию.

Вступление к опере “Пробуждение” включает в себя вокальные компоненты, приводящие к развитию сюжета, которые можем назвать “переменностью функции в музыкальной форме” (термин В. Бобровского). Мы видим, как композитор меняет драматургические функции в музыкальной форме во вступлении. Говоря о песнях, то они пронизывают всю драматургию оперы и здесь именно песня вмонтирована в сквозное развитие. В опере экспозиция имеет важное значение, особенно новаторская сторона этой оперы, что здесь решается в плане импровизации. Она построена как импровизационная структура, отражающая узбекскую мысль, монодию и узбекскую ментальность.

Новации в опере “Пробуждение”, наблюдаются буквально с первых же тактов вступления, заменившим традиционную увертюру. В этом плане обнаруживается влияние оперного симфонизма Вагнера, который активно внедрял вступления к своим операм. И следует отметить, что позднее Верди испытал влияние Вагнера в своей поздней опере “Отелло”, отказавшись от увертюры. Оценивая, это творческое решение Закирова, следует отметить его инновационность и созвучность современной оперной драматургии. Вступление к опере содержит основные лейтмотивные элементы и в компактной форме, непосредственно подготавливает слушателя к восприятию действий.

Начальные интонации прежде всего героические (восходящие квартто-квинтовые мотивы), имеют хореическую структуру, чем очень активны. Благодаря этим новациям, опера “Пробуждение” приобрела совершенно иной, отличный от ряда других

современных узбекских опер облик, выделилась как перспективное направление. В “Пробуждении” обнаруживаются некоторые принципы даже рок-оперы, в частности, черты общности с оперой “Юнона и Авось” А. Рыбникова. Они проявляются в яркой экспрессии раскрытия женских образов. Такого рода экспрессивные выразительные средства, обнаруживаются кстати и в недавней опере “Кумуш” М. Махмудова в раскрытия образа главной героини.

Безусловно, творческое решение Закирова воплотить в опере сложную проблематику потребовало от него качественного отбора материала драмы “Бай и батрак” Хамзы для реализации идеи совмещения синтетических межжанровых закономерностей большой и малой опер, что безусловно является смелой новацией. Ключевая идея обусловлена инновационным подходом композитора к разработке новых принципов оперной драматургии, выбор систематики выразительных средств. Не случайно избрана лишь двухактная структура оперы включающая, пять картин и существенно переосмыслена сюжетная канва большой драмы “Бай и батрак” Хамзы.

В опере “Пробуждение” обнаруживается оригинальная композиторская интерпретация старинных полифонических форм. Так, обращаясь к выразительным возможностям пассакальи, Н. Закиров учёл творческий опыт предшественников в мировой музыкальной культуре XX века. Это, в частности, опера А. Берга “Воцтек”, где в момент наивысшего эмоционально-психологического состояния героя как обобщение его страданий пассакальи оказывает наиболее сильные воздействия на слушателя.

Аналогичное выявляется нами и в Восьмой симфонии Д. Шостаковича созданной в годы Второй мировой войны как отражение человеческих страданий, возвышенной скорбью людей. В пятичастном симфоническом цикле IV часть Largo, написана в форме пассакальи являющаяся трагической вершиной, монументом-кульминацией, воплощающим величие страдания и боли, и в то же время силы духа. Исторически сложившийся в музыкальной культуре средневековья и возрождения жанр пассакальи впитал в себя все трудности жизни народов исторических эпох и стил парадигмой величия человеческого духа, утвердившегося в искусстве высокого возрождения. Так и в опере “Пробуждение” Н. Закиров избрав пассакалью, сумел художественно достоверно передать историческую аллюзию старинного полифонического жанра.

Ещё одна аналогия, которую следует провести в нашем исследовании, -это пассакальи в опере “Катерина Измайлова” Д. Шостаковича. Образ главной героини этой оперы близок как Воццеку, так и герою “Пробуждения” Гафуру. Сила любви, обуреваемой Катериной Измайловой, толкает её на безумные поступки, обусловленные социальными факторами её жизни. Именно жанр пассакальи, оказался здесь художественно оправданным и целесообразным в драматургии оперы “Катериной Измайловой” позволил композитору создать потрясающую по силе воздействия музыку.

Обобщая наблюдения над пассакальей в опере “Пробуждение” Закирова, следует сделать вывод о плодотворности оперного симфонизма в современной узбекской опере, о перспективности творческого метода талантливого

узбекского композитора, неустанно искавшего новые пути в узбекской музыке нашего времени, в горячем стремлении запечатлеть её “болевые” точки и пробудить сознание и самосознание людей.

Во второй части обнаруживается другой принцип развития, связанные со сценой, где появляется женский образ. Также интересно то, что здесь песенные интонации как бы “пробуждаются” в этой драматургии. Они не сразу показываются как признаки песенной строфической структуры, а как отдельные интонации, которые затем укрупняются, чередуются с другими, - это принцип симфонизации. По нашему мнению задача Закирова состояла в том, чтобы использовать песни Хамзы как драматургический принцип симфонизации оперной драматургии.

Симптоматично, что Закиров в последние годы жизни в своем оперном творчестве обращался к Шекспиру, так же как и Верди, в частности, в оперной дилогии “Путь к трону”, содержащей две оперы “Гамлет” и “Макбет”. Воплощая в драматургии сложный шекспировский психологический характер любовно-лирических коллизий и широкий подход к теме любви, Закиров проецирует их на другие параметры духовного мира личности. Глубокое психологическое переживание, эмоциональные состояния Гафура обнаруживают черты общности с монологами Отелло в опере Верди. Этому способствуют достоинства либретто Арриго Бойто, который сумел рельефно высветить тему любви как эмоционально-психологическую доминанту оперного спектакля, что также обнаруживается нами в либретто Мамаджана Рахманова.

“Самые различные стороны оперы Верди поражают нас новизной и

смелостью. Отказываясь от крайностей симфонизированной и речитативно-декламационной оперы, композитор мастерски использует их сильные стороны: текучесть, непрерывность, композиционную гибкость оперных форм первой и характерность мелодического начала, его органическую взаимность со словом-второй” [3; 187]. Аналогичные драматургические принципы обнаруживаются и в опере “Пробуждение”.

Осмысливая воплощение темы любви в “Пробуждении” можно также обнаружить влияние драматургического решения аналогичной сюжетной сюжетной линии в опере “Алеко” Рахманова, где с огромной эмоциональной силой вырастили сложные психологические переживания героя. Данная общность драматургического принципа развития проявляется в сфере музыкального языка, интонационной структуры, ариозности, воплощения состояний неодолимой скорби и страдания.

Трактовка Закировым хора также образует моменты общности с принципами использования хора в операх “Отелло”, Верди, “Царе Эдипе” Стравинского и “Воццеке”, Берга, где хор наделяется комментирующей функцией, оттеняющей лирическую драму героя, усиливающийся его психологично-эмоциональные состояния. Хор в “Пробуждении” как комментатор в древнегреческой опере своей эпической силой воздействия покоряет слушателя.

Обобщая аналитические наблюдения над особенностями музыкальной драматургии оперы “Пробуждение”, следует сделать вывод о наделяется смыслообразующей сущности оперных исканию Закирова, оперный путь которого устремленно шёл по восходящей линии лестницы к жизненной вершине как наивысшей ступени человеческих

страстей, страданий и философских размышлений. Это линия имеет в оперном творчестве Закирова следующий алгоритм динамического восхождения к вершине: “Дуэль” дилогия “Путь к трону”: “Гамлет” “Макбет” и “Чингизхан” – “Манкурт” – “Пробуждение”:

Сопоставление этих произведений в аспекте развития творческой идеи,

утверждения темы любви как смыслообразующей субстанции, художественной концепции и роли каждой из данных опер, в этом произведении можно сделать вывод о том, что эти оперы представляют собой сквозной цикл, объединённый связующей нитью восходящей к философии любви Людвига Фейербаха.

Использованная литература

1. Галушенко И. Г. Контент “диалог культур” в творческих практиках композиторов Узбекистана//Философские и методологические проблемы исследования российского общества. Сборник трудов Пятой Международной научной конференции (25 ноября 2021 г.). -Москва: 2022. С. 98-102.
2. Мамаджанова Э. У. Изучение узбекской музыки зарубежными исследователями//Сборник Международной научно-практической конференции посвящённой 85-летию Государственной консерватории Узбекистана. Основные тенденции развития музыкального образования и науки (11 июня 2-2022 г.). -Ташкент: 2022. С.187-189.
3. Орджоникидзе Г. В. Оперы верди на сюжет Шекспира. -Москва: 1967. 327 с.

ТАШПУЛАТОВ Музаффар,

Ўзбекистон давлат консерваторияси таянч докторанти (PhD)

ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИДА ИЛК ЗАМОНАВИЙ МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мусиқа таълими, тараққиёти ва тадқиқотлари юзасидан маълумотлар ўрин олган. Бундан ташқари унинг яқин ўтмиши ва бугунги аҳволи ҳақидаги айрим фикрлар ҳам келтирилган.

Калит сўзлар: педагогика, анъана, санъат, консерватория, Шашмақом.

Аннотация. Эта статья посвящена проблемам становления музыкального образования в Узбекистане. В ней также обзорно освещаются этапы формирования современного музыкального востоковедения.

Ключевые слова: педагогика, традиция, искусство, консерватория, Шашмақом.

Annotation. This article contains valuable information about music, education, development and research in Uzbekistan. There are also some notions of its recent past and present state of affairs.

Key words: pedagogy, tradition, art, conservatory, Shashmakom.

XX аср бошларида Туркистон минтақасида маърифий ислохотлар амалга оширила бошлади. Туркистон халқ университети (Ҳозирги Миллий университет) таркибида Туркистонда ҳам биринчи консерватория – Туркистон Халқ консерваторияси 1918 йилдан эътиборан ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур Халқ консерваториясининг асосий вазифаси халққа мусиқадан бошланғич маълумот бериш, бирорта чолғу-созда чалишни ўргатиш ва хонандалик мутахассислигидан сабоқ беришдан иборат эди. Ўқиш муддати ва дастури аниқ белгиланмаганлиги учун ҳар бир устоз-педагог ўқувчи-талабанинг қобилияти ва имкониятини назарга олган ҳолда дарс берганлар.

Республикада европача тизимда хонанда, созанда, композитор ва мусиқа-

шуносларни тайёрлаш учун шаҳарларда 3 босқичли махсус давлат мусиқа мактаблари, техникумлар, консерватория ва санъат институтлари биринкетин ташкил қилина бошланди.

1924-25-ўқув йилида Туркистон Халқ консерваторияси қошида Тошкент давлат мусиқа техникум-интернати (келажакдаги Ҳамза номидаги мусиқа ўқув юрти), сўнгра В. Успенский номидаги иқтидорли болалар академик лицейи ташкил топди. Мазкур ўқув даргоҳи расмий равишда тасдиқланган ўқув режаси ва европача услубда тузилган дастурлар билан барча чолғу-созлар ва хонандалик бўйича малакали ўқитувчилар билан таъминландилар.

XX аср бошларида Туркистон Автоном Республикаси Маориф комиссарлиги тузилиб, унинг Илмий Кенгаши ҳузурида “Музыка-этнографик билим

хайъати” ташкил топди. “Ғ. Юнусов, К. К. Юдахин, Е. Д. Поливанов, Ғ. Зафарий каби олим ва ёзувчилар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси янги мактаблар учун ўзбек тилида дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва илмий-оммабоп асарлар яратиш эди” [1; 276].

Янги Бухоро ҳукуматининг ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган А. Фитрат ташаббуси билан 1921 йилда “Шарқ мусиқа мактаби” ташкил қилиниши муҳим маданий ҳодиса бўлди. Ўқув даргоҳи учун А. Фитрат дастлаб ўз уйини ажратиб бериши ва унинг фаолиятига бевосита мутасаддилик қилиши, шунингдек, мактабга Ота Жалол, Ота Ғиёс, Левича, Домла Ҳалим Ибодов, Шоҳназар Соҳибов, Бобоқул Файзуллаев, Маъруфжон Тошпўлатов каби машҳур ҳофизу мақомшуносларни жалб этиши, Бухоро зиёлиларининг мусиқа мактабидан кўзлаётган мақсадлари юксаклигидан далолат беради.

1925 йилда Хивада ҳам асрий анъаналар замирида Хива болалар мусиқа мактаби очилди ва биринчи директори Матюсуф Харратов этиб тайинланган эди.

Шу тариқа 1920 йилнинг бошидан Ўзбекистонда миллий мусиқа чолғуларида чалишни ўргатадиган махсус мактаблар очилди. Бироқ бу мактаблар европача услубда бўлиб, ўқувчиларга нота тизими ҳамда Европа мусиқа назарияси ўқитилар эди.

1921-1924 йилларда Туркистондаги маориф институтларида ҳам мусиқа дарси мажбурий предмет сифатида ўқитиш бошланди. Бироқ бу институтларда ўқув режалари, асосан, рус билим юртлари учун мўлжалланган тарзда тузилган бўлиб, асосий предметлар нота саводи, рус мусиқа назарияси ва тарихи, инқилобий мазмундаги рус

хоридан иборат эди. “Фарғонада 1921-22-ўқув йилида фаолият кўрсатган миллий профессионал мусиқачилар тайёрлаш мусиқа мактабида 7 та синф бўлиб, улар: фортепиано, скрипка ва альт, виолончель, контрабас, дамли асбоблар, хор синфи ва халқ куйларидан иборат эди [2; 16].

1925-ўқув йилидан бошлаб Бухорода “Шарқ мусиқа мактаби”нинг ўқув дастурига ҳам Европа нота ёзуви, сольфежио, мусиқа назарияси, тарихи фанлари билан Европа чолғу созларининг барча турлари киритилди. Шу даврдан бошлаб мусиқа мактабида ўқув жараёни икки – миллий ва европача услубий йўналишларида олиб борилди.

1928 йилда Самарқанд мусиқа ва хореография институти ўз фаолиятини бошлади. Институтнинг раҳбари этиб Н. Миронов тайинланди. Институт ўз олдига халқ ижодиётини тадқиқ этиш, миллий ашула ва рақс санъатларини ўргатиш, мусиқа тарихига оид маълумотларни тўплаш ҳамда нота намуналарини яратишдек маърифий вазифаларни мақсад қилиб қўйди.

1932 йилда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. Шу йилнинг август ойида унинг санъат бўлими ҳам ўз фаолиятини бошлади.

1930 йили Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчиб ўтиши туфайли Самарқанд мусиқа ва рақс институти ҳам 1932 йили Тошкентга кўчиб ўтди. Ўрта Осиёда энг йирик илмий-тадқиқот институтида мусиқа ва бошқа санъат соҳалари ходимлари илмий иш билан бирга аспирантлар ҳам тайёрланди.

1934 йилда Тошкентда Олий мусиқа мактаби ташкил қилинди. 1936 йилдан эътиборан у Тошкент давлат консерваторияси мақомини олди. Тошкент дав-

лат консерваториясида ўқув жараёнидан ташқари, дастлабки йилларданок, В. Успенский раҳбарлигида илмий-методик кабинет очилди.

1939 йили Тошкент давлат консерваторияси қошида махсус ўн йиллик мусиқа мактаби ташкил этилган эди. 1949 йили Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти, композитор, мусиқашунос-олим В. Успенский вафотидан сўнг мактабга унинг номи берилди ва унинг номидаги мактаб академик лицей-интернати мақомини олди.

Турли йиллар шу мактабни битирган ўқувчилар келгусида мусиқа техникуми ва консерваторияларда ўқиб, юқори малакали мутахассислар бўлиб етишиб чиқдилар ва ўзларининг иш фаолиятлари билан замонавий ўзбек мусиқа санъатини ривожлантириш жараёнига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Миллий ўзбек маърифатчи олимларимизнинг мусиқага оид илк дарслик ва қўлланмалари нашр этилди.

1927 йилда А. Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласи ҳамда В. Успенскийнинг “Классическая музыка узбеков” мақолалари нашрдан чиқади. А. Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласи билан XX аср ўзбек мусиқасини ўрганишда илк саҳифа очди.

Н. Мироновнинг ўзбек ва татар тилларида “Мусиқа саводи” қўлланмаси, рус тилида “Музыка узбеков” (1929), “Музыка таджиков” (1930) аспирантлар билан ҳамкорликда ёзилган М. Ашрафий “Бухоро халқ кўшиқлари”, Т. Содиқов “Фарғона халқ кўшиқлари”, Ш. Рамазоновларнинг “Хоразм халқ кўшиқлари” номли тўпламни Н. Миронов таҳририда (1931) ҳамда 1931 йилда бевосита ўзининг қаламига мансуб “Обзор музыкальных культур узбеков и других народов Востока” номли ки-

тоблари нашр этилди. “...Барча таълим даргоҳларининг миллий чолғулар бўлимида европалик композиторларнинг скрипка, альт, виолончелга мўлжалланган асарлари ўқув дастурига киритилган эди [3; 81].

Бу даврда “...Аксинча, миллий мусиқа созлари учун дарс соатлари умумий дарс юкламасининг атиги 5 фоизини ташкил этар, санъат мактабларида ўзбек миллий рақс санъати сирларини ўрганиш учун ҳафтада атиги 2 соат вақт ажратилган эди” [4; 2-4].

XX аср 20-йилларнинг охири, 30-йилларга келиб маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳасини ўз таъсирига ола бошлади ва бу жараён маҳаллий зиёли вакиллари қатағон қилиш, халқнинг анъанавий диний ва миллий қадриятларини йўқ қилиш сиёсати билан бирга олиб борилди. Бироқ давр кўзгуси сифатида барча жараёнлар хилма-хил газета ва журналларда ёритилиб, кўплаб зиёлиларимиз янги ўзбек мусиқаси, муаммо ва масалалари хусусидаги кўплаб мақолаларида фикр юритдилар.

Ўзбек мусиқа маданияти, таълими ва мусиқашунослиги ўтмишини бир бутун тизим сифатида кўрадиган бўлсак, уларда акс эттирилган муаммоларнинг аксарияти бугунги кунга нақадар ҳамоҳанг эканлигини кузатиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам бу меросга миллий қадриятларимизнинг ажралмас тарихий қисми деб қараб, уларни замонавий илм-фан ютуқларига таянган ҳолда изчил ўрганиш – давр талаби бўлиб майдонга чиқмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда европа мусиқа тамойиллари билан муштаракликда миллий мусиқий анъаналар ҳам барқарор ривожланди. Бу борада бир қатор қарор ва фармонлар имзоланиб, ўзбек мусиқа мадани-

яти тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Хусусан, Тошкент давлат консерваторияси (келгусида Ўзбекистон давлат консерваторияси) нафақат республикада, балки минтақада ҳам энг юксак ва салоҳиятли даргоҳ сифатида шуҳрат қозониб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” [1] 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Ўзбек мақом санъати факультети” ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижро-

чилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiqa санъати институти ташкил этилганлиги ҳам замонавий таълим тизимида миллий анъаналарга бўлган юксак эътибор сифатида белгиланади.

Чунончи, “устоз-шогирд” анъаналарини кенг жорий этиш каби устувор вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўйган мазкур олий даргоҳ 2021-ўқув йилидан бошлаб самарали фаолиятини бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистон заминида вужудга келган musiqa таълим даргоҳлари фаолиятини кузатар эканмиз, бунда шарқ ва ғарб муштараклиги, миллий ва европача тамойилларга асосланган улкан тажриба мактаби қарор топганлигига гувоҳ бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 31 майдаги ПФ-6000-сон Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 27 май, 2020.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи: Ўзбекистон Совет Мустамлакачилиги даврида. -Тошкент: 2000.
3. Ўзбекистон миллий давлат архиви, 34-фонд, 1-рўйхат, 716-йиғмажилд, 16-в.
4. Ирзаев Б. Ўзбек musiqa маданияти тарихи саҳифаларидан. -Тошкент: 2017.
5. Ижрочилик санъати юксалиши керак//Совет Ўзбекистони санъати. 1985.

АБДУРАХИМОВА Фируза,

Заслуженный деятель искусств Узбекистана,

профессор Государственной консерватории Узбекистана, художественный руководитель и главный дирижёр Государственного камерного оркестра народных инструментов “Соғдиана”

ЕСТЬ В КРАСКАХ ОТЗВУКИ И ЗВУКИ...

Одно из выдающихся событий в культурной жизни нашей страны состоялось 19 декабря 2022 года в Органном зале Государственной консерватории – концерт под названием “Есть в красках отзвуки и звуки”, в котором была исполнена соната для скрипки и фортепиано Ре – минор ор.134 Д. Д. Шостаковича, посвященная великому скрипачу Д. Ф. Ойстраху.

Это произведение, вобравшее в себя тревогу и поиски смысла человеческого бытия, противоречия жизни и смерти, относится к поздним сочинениям композитора. Раскрытие философского замысла сонаты не всегда поддаётся исполнителям, и относится к тем сложным сочинениям Д. Д. Шостаковича, которое не часто можно услышать у нас в Узбекистане. Хочу отметить, что являюсь одним из счастливых слушателей, которым довелось окунуться в эту философскую музыку в стенах Государственной консерватории, в исполнении двух ведущих педагогов, двух ведущих исполнителей нашей Республики – заслуженной артистки Узбекистана, профессора Адибы Шариповой и исполняющей обязанности доцента Елены Матвеевой.

Концерт начался содержательным выступлением известного писателя, эссеиста и литературного критика, философа Евгения Абдуллаева известного под псевдонимом Сухбат Афлатуни. Он преподнёс очень интересную преамбулу, которая, собственно и помогла войти в экзистенциальную природу творчества композитора, тонко подметив

дух самой эпохи, в которую создавалась Соната. Этот концерт был одним из тех, когда слушатель окунулся не только в красоту музыкального диалога скрипки и фортепиано, получил эстетическое удовольствие, но и вместе с исполнителями размышлял о богатстве и разносторонности человеческого духа.

Благодаря вдохновенному мастерству замечательных музыкантов, мы смогли прикоснуться к тому вихрю чувств, мыслей, образов, бушевавших в душе создателя Сонаты, словно прочли книгу о смысле жизни.

Высокий профессионализм и художественная глубина исполнения Сонаты Д. Д. Шостаковича буквально завороживали зал, который шаг за шагом внимательно вслушивался то в жёсткое звучание и через некоторое время нежные переливы скрипки и фортепиано. Выразительность и чистота звучания, глубокая и проникновенная эмоциональность, разнообразие и богатство звука скрипки Е. Матвеевой, полная глубокой сосредоточенности невероятного звучания фортепианной партии в исполнении выдающейся пианистки Адибы Шариповой, сочетались с неимоверно сложными пассажами и слиянием в единое целое дополняющих друг друга партий. Желаю им ещё больших успехов и таких же совместных выступлений на нашей сцене. Так же хочу отметить, что это было бы достойным примером показа уровня исполнительской культуры преподавателей Государственной консерватории Узбекистана и для других ВУЗов зарубежных стран.

ГУЛЬЗАРОВА Инесса,

профессор Государственной консерватории Узбекистана

НЕЗАБЫВАЕМОЕ ПУТЕШЕСТВИЕ В МИР РОМАНТИЧЕСКОЙ МУЗЫКИ

Одним из январских вечеров наступившего года в Большом зале Государственной консерватории Узбекистана состоялся очередной концерт классической музыки, на который потоком лились слушатели. И это понятно. Его программу, в которую вошли произведения ярчайших представителей романтизма Иоганнеса Брамса и Фридерика Шопена, представлял один из замечательных коллективов нашей республики – Государственный симфонический оркестр Узбекистана и его художественный руководитель, и главный дирижер, заслуженный артист Республики Узбекистан, мастер высочайшего уровня Камолиддин Уринбаев. Его неиссякаемая энергия позволяет ему совмещать должность руководителя данного коллектива с должностью ректора Государственной консерватории Узбекистана. Маэстро очень многогранный человек и, помимо своих прямых обязанностей, выполняет много музыкально-общественной работы. Но сегодня не об этом, а о незабываемом и ярком концерте, погрузившем слушателей в мир романтической музыки. Солистом выступил наш земляк, лауреат международных конкурсов и Государственной премии “Нихол” Фазлиддин Хусанов.

Классический вечер открылся одним из шедевров позднего романтизма Третьей симфонией (фа мажор, соч. 90) И. Брамса – автора десятков произведений для фортепиано, органа, голоса, камерного ансамбля и симфонического оркестра. Композитор

написал ее летом 1883 года в Висбадене, посвятив известному дирижеру и пианисту Гансу фон Бюлову. В своем посвящении он написал: “Моему сердечно любимому Гансу фон Бюлову от верного друга. Иоганнес Брамс”.

Премьера симфонии прошла с большим успехом 2 декабря 1883 года в Вене под управлением Ганса Рихтера. Однако успех был безоговорочным далеко не везде. Это было время, с одной стороны, почти повсеместного триумфа композитора, а с другой – обострившейся борьбы между поклонниками Брамса и Вагнера (особенно после кончины последнего), которые восприняли новое сочинение в штыки. И, тем не менее, у творчества Брамса было немало почитателей, среди которых был и Ганс фон Бюлов. Известно, этот музыкант выделял в истории немецкой музыки трех композиторов, “три Б”: Бах – Бетховен – Брамс. Между прочим, Бюлов позже дирижировал, посвященной ему симфонией, повторив ее дважды за один вечер в Мейнингене.

Блестяще ее исполнил и Государственный симфонический оркестр Узбекистана под управлением маэстро Уринбаева. Эта симфония, сочетающая в себе классические и романтические черты, прозвучала глубоко, торжественно и откровенно певуче. Разве можно забыть идиллию ее второй части и чудесное соло кларнета, с которого она началась? Или лирический центр – знаменитую третью часть, изумительной

красоты песнь любви, ставшую одной из самых известных лирических мелодий, созданных когда-либо. Кстати, эта часть наиболее популярна и широко используется в песнях, фильмах, сериалах. Вспомним “Take My Love” Фрэнк Синатры, “The Song Angels Sing” Марио Ланца или парафраз на пять тактов из известного сериала “Ликвидация”. Именно в третьей части Брамс неожиданно обнажает свои чувства, ведь свою ранимую душу, он всегда скрывал за внешней суровостью. Не случайно критики отмечают Третью симфонию, как одну из самых личных. Думаю, никто не пропустил в тот вечер и запомнил замечательное валторновое соло из третьей части, которое, как мне кажется, боится и ждет любой валторнист мира.

В исполнении Третьей симфонии, на мой взгляд, маэстро Уринбаев постарался уйти от стереотипов ее исполнения: с одной стороны, была подчеркнута классичность ее формы, с другой – в ней чувствовалось больше романтики и меньше было “пафоса медленных темпов”. Таким образом, певучесть Брамса, текучий, пышный и плавный мелодизм стал главной идеей маэстро в интерпретации данного симфонического опуса.

Во втором отделении классического вечера внимание привлек пианист Фазлиддин Хусанов, с блеском исполнивший Второй фортепианный концерт (фа минор, соч. 21) Ф. Шопена. Встреча с этим замечательным музыкантом стала настоящим подарком для слушателей. Но об этом позже, а сейчас несколько штрихов к его творческой биографии.

Фазлиддин Хусанов – выпускник РСМШИ имени В. А. Успенского. Все годы учебы занимался в классе великого педагога, заслуженного учителя Республики Узбекистан Тамары Афанасьевны Попович (светлой памяти которой пианист посвятил

свое выступление). По окончании школы продолжил обучение в начале в Германии (класс профессора Р. Беккера), затем в Великобритании (класс профессора М. Шрейдера). Он – лауреат многих престижных международных конкурсов, лауреат Государственной премии “Нихол”.

Сегодня Фазлиддин Хусанов с большим успехом ведет концертную деятельность в странах Европы, Азии, Америки. Его репертуар вмещает в себя широкий диапазон музыки разных эпох и стилей – от барокко, классицизма, романтизма до сочинений современных композиторов. Пианиста часто приглашают в состав жюри крупных международных конкурсов. А свою исполнительскую деятельность он уже давно совмещает с педагогической. Так, в течение 12 лет Фазлиддин Хусанов вел класс специального фортепиано в Уэльской консерватории (Великобритания), а в настоящее время успешно преподает на музыкальном отделе Кувейтского университета.

Однако вернусь под своды Большого зала Государственной консерватории Узбекистана и великой музыке Шопена, которой завершился классический вечер. Пианист-виртуоз, автор замечательных фортепианных произведений, он является одним из самых любимых в мире: поэзия его музыки проникает прямо в сердце, вызывая сильные чувства, которые не требуют объяснений. По словам русского композитора, дирижера и пианиста Антона Рубинштейна, “Шопен – это бард, рапсод, дух, душа фортепиано”.

Свой Второй фортепианный концерт композитор написал в 1830 году. Кстати сказать, исторически он был написан раньше, чем Первый, но издан позднее, поэтому и получил второй порядковый номер. С ним связана личная история композитора. В 1829

году Шопен влюбился в певицу soprano Констанцию Гладковскую. Будучи невероятно стеснительным, он не мог прямо сказать возлюбленной о своих чувствах, поэтому решил признаться ей посредством музыки. Так появилась вторая часть – ларгетто, являющаяся ноктюрном в сопровождении оркестра и признанием певице в любви. К сожалению, Констанция намек не поняла. Шопен вскоре уехал в Париж, и их общение закончилось. А концерт композитор впоследствии посвятил музыкально-одаренной, обладавшей прекрасным голосом Дельфине Потоцкой, с семейством которой познакомился в Дрездене. Премьера его детища состоялась 17 марта 1830 года в Варшаве. Партию фортепиано исполнял сам Шопен, дирижировал Кароль Курпиньский.

Ну а для ташкентской интерпретации этого концерта в тот вечер все соединилось в едином вдохновенном порыве сотворения музыки. Оркестр во главе с Камолиддином Уринбаевым проявил безупречную партнерскую чуткость, и вместе с игрой Фазлиддина Хусанова магически воздействовал на публи-

ку, которой невероятно импонировало все: и слаженный ансамбль, и свободное владение инструментом солиста, его техническое мастерство, сочетающиеся с открытой эмоциональностью высказывания. Фазлиддин необычайно красиво играл Шопена, демонстрируя невероятную концентрацию чувств, причем самых разнообразных. Так, яркий калейдоскоп мазурочных интонаций, прозвучавших в финале – озорных, юных, искрящихся счастьем, взорвал зал оглушительными аплодисментами...

Никто не хотел уходить. Овации солисту, оркестру, дирижеру долго не смолкали: слушатели благодарили музыкантов за блестящее, виртуозное исполнение музыки Брамса и Шопена, сыгранные с большим мастерством, воодушевлением и артистизмом. Вечер имел огромный успех, не оставив ни одного равнодушного в зале. А мне вспомнились слова Генрих Гейне: “Музыка возвращает нам то, что забирает жизнь”.

Фото Эргаша Каримова

ШАМАХМУДОВА Дилфуза,

Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти доцент в. б.

ОЛИЙ ПРОФЕССИОНАЛ МУСИҚА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КЎЗИ ОЖИЗ ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИТИШДА МУСИҚИЙ- КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Аннотация. Мақолада мусиқа таълими учун долзарб бўлган кўриш қобилияти заиф одамларни ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммоси кўриб чиқилади. Унда кўриш қобилияти заиф ўқувчиларни ўқитиш учун мўлжалланган мусиқий дастурларни қўллаш бўйича баъзи кўрсатмалар берилган.

Калит сўзлар: мусиқий-компьютер технологиялари, мусиқий информатика, инклюзив мусиқий таълим, кўриш қобилияти заиф талабалар.

Аннотация. В статье рассматривается проблема использования информационных технологий в обучении незрячих студентов или студентов со слабым зрением, актуальная для музыкального образования. В ней приведены некоторые рекомендации по использованию музыкальных программ для обучения незрячих студентов или студентов со слабым зрением.

Ключевые слова: музыкально-компьютерные технологии, музыкальная информатика, инклюзивное музыкальное образование, студенты со слабым зрением.

Annotation. The article deals with the problem of using information technology in teaching blind or visually impaired students, which is relevant for music education. It provides some guidelines for using music software to teach blind or visually impaired students.

Key words: music and computer technologies, music informatics, inclusive music education, visually impaired students.

Компьютер техникасининг ривожланиши ва экрандаги маттни баён этувчи компьютер дастурларининг пайдо бўлиши кўриш қобилияти заиф одамларни ўқитишнинг янги шакларини яратиш ва ривожлантиришга, таълим тизимида анъанавий фанларни ўқитиш усулларини қайта кўриб чиқишга олиб келди. Мусиқий-компьютер технологияларининг (МКТ) пайдо бўлиши ва ривожланиши замонавий мусиқа таълими тизимида янги фанлар билан бир қаторда ўқув жараёнида янги шакларнинг яратили-

шига, янги таълим йўналишларининг пайдо бўлишига асос бўлди.

Компьютер технологияларининг ривожланиши, айниқса, экрандаги маттни баён этишга мўлжалланган компьютер дастурлари (инглизча – screen reader) пайдо бўлиши кўриш қобилияти заиф одамларга мусиқа ўргатишнинг янги шакларини яратиш ва ривожлантиришга, анъанавий фанларни ўқитиш усулларини қайта кўриб чиқишга ва мусиқий-компьютер технологияларини (МКТ) мусиқа ва ўқув жараёнига жорий этиш билан

боғлиқ янги фанларнинг пайдо бўлишига олиб келди [1; 4].

Замонавий мультимедиа компьютер воситаларини ўзлаштириш кўзи ожиз талабаларга товуш ва мусиқа оламининг чексиз маконини ўзлаштириш учун катта имкониятлар очади. Айниқса, кўзи ожиз талабалар компьютерда экрандаги матнни баён этиш дастурлари (нутқ синтезаторлари) ёрдамида – компьютер сичқончаси иштирокисиз, монитор ўчирилган ҳолда ва энг муҳими, ташқи ёрдамсиз ишлашлари мумкинлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса кўришда оғир нуқсонлари бўлган талабаларга ҳозирда талаб катта бўлган янги касбларни эгаллаш, шунингдек, уларнинг шахсий ва ижодий ўзини ўзи англаш ва ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш имконини беради [5; 6].

Кўзи ожиз одам учун энг муҳим камчилик – ахборот етишмаслиги рақамли технологиялар, хусусан, компьютерлар, смартфонлар ва бошқалар ёрдамида энг машхур платформалар – Windows, Mac OS ва Андроид учун ишлаб чиқилган овозли жўрнавозлик дастурлари ёрдамида тўлдирилади. Шунини таъкидлаш керакки, замонавий операцион тизимлар кўзи ожиз ва кўр одамлар учун ўзларининг хусусий ички қурилган бир қатор иловаларига эга (экран лупалари, экранни ўқиш мосламалари), лекин интерфейси график объектларга (тугмалар, товуш муҳаррирларидаги амплитуда ва спектр анализаторлари, жойлашув белгилари ва бошқалар) асосланган мураккаб дастурлар билан ишлашга бу воситалар имкон бермайди.

Бугунги кунда экрандаги матнни баён этишга мўлжалланган жуда функционал иккита дастур мавжуд бўлиб, булар – Windows учун JAWS for Windows ва NBDA дастурларидир. JAWS for

Windows Screen Reading Software (қисқача Job Access With Speech) Windows муҳитида ишловчи компьютерлар учун дунёдаги энг машхур экрандаги матнни баён этиш дастуридир. У тизим, офис иловалари ва бошқа керакли дастурлар, жумладан, Интернет-браузерлар билан ишлаш имконини беради. Нутқ синтезатори туфайли экрандаги маълумотлар компьютернинг аудио картаси орқали овоз чиқариб ўқилади, бу эса турли хил контент билан танишиш имкониятини беради. JAWS, шунингдек, Брайлнинг нуқтали-рельефли дисплейига маълумотларни чиқаришдан ташқари одатда фақат сичқонча ёрдамида бажариладиган амалларни бажариш имконини берувчи клавиатура буйруқларининг катта тўпламини ўз ичига олади. Ушбу буйруқлар ишнинг тезлиги ва самарадорлигини ошириш учун мўлжалланган бошқа фойдали функцияларни ҳам бажаради. Пакетга киритилган ёрдамчи утилиталар деярли ҳар қандай дастур билан қулай ишлашга имкон берувчи созилашларни амалга ошириш имкониятини беради.

NBDA (NonVisual Desktop Access – “иш столига визуал бўлмаган кириш”) бу – MS Windows учун бепул, очик кодли дастур бўлиб, у кўзи ожиз ва кўриш қобилияти жиддий бузилган одамларга компьютерда визуал назоратсиз ишлашга имкон беради ва барча керакли маълумотларни нутқ ёрдамида ёки Брайл дисплейида акс эттиради. NBDA бу – “экранни ўқийдиганлар” учун етук маҳсулот бўлиб, у ҳар доим энг сўнги технологияларнинг бошида туради. NBDA очик кодли лойиҳа бўлганлиги сабабли етарли билим даражасига эга бўлган ҳар бир фойдаланувчи дастурни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшиши ёки уни ўзи учун қулайроқ қилиш имкониятига эга.

NBDA кўмагида махсус чиқарилган 7.5.1 версиясидан бошланган Sibelius ҳамкорлик лойиҳаси (MS Windows, Mac OS ва RISS OS учун Sibelius Software (Avid Technology) томонидан яратилган кросс-платформали нота муҳаррири) мураккаб нота матнлари билан ишлаш учун экранни баёний жўрнавот ёрдамида ўқишни таъминлайди. Бу, биринчи навбатда, визуал мусиқий ва график материални киритиш, таҳрирлаш ва ўқиш имкониятлари бўлиб, назарий фанлар билан шуғулланувчи талабалар ва ўқитувчилар учун етишмаётган имкониятлардир.

Кўзи ожиз одамларни ўқитишда МКТдан фойдаланиш истиқболли инновацион лойиҳалардан аллақачон ҳақиқатга айланди. Кўзи ожизларни инклюзив мусиқа таълимига жалб этиш имкониятлари кенгаймоқда. Илгари билим ва кўникмаларни фақат оғзаки текшириш мумкин бўлган жойларда (биринчи навбатда, бу назарий фанлар: мусиқа назарияси, гармония, полифония, солфежио) мусиқий-компьютер графикаси дастурлари билан ишлаш имкониятлари пайдо бўлди. МКТ ёрдамида кўзи ожиз бастакорлар мусиқа матнини мустақил равишда териш ва уни кейинги нашрга тайёрлаш учун тўлиқ ҳуқуқли воситага эга бўлишди. Мазкур хусусият муаллифларнинг ижодий ғояларини ҳаётга жорий этишни анча тезлаштирди, чунки мусиқий матнлар аввал Л. Брайль тизими бўйича рельефли-нуқтали усулда ёзилар, шундан кей-

ингина материал оғзаки баён этилар ёки Брайль ёзувларини ўқий олувчи махсус тайёрланган одамга топширилар эди. Бундай мутахассислар эса нафақат мамлакатимизда, балки дунёда ҳам жуда кам. Кўзи ожиз одамларни янги, илгари имкон бўлмаган соҳаларда профессионал мусиқий таълим олишининг реал имкониятлари пайдо бўлди.

Бугунги кунда рақамли технологиялар ва МКТ турли ижтимоий гуруҳлар учун юксак бадиий мусиқий маданиятни жорий этишда ўқув жараёнининг ажралмас воситасига, шунингдек, инклюзив педагогик жараёни амалга оширишнинг ўзига хос технологиясига айланмоқда. Чунки МКТдан фойдаланиш туфайли имконияти чекланган инсонлар учун ҳам, бу соҳада фаолият юритаётган ўқитувчилар учун ҳам янги ижодий истиқболлар очилмоқда.

Хулоса ўрнида замонавий МКТни ўзлаштирган келажакдаги битирувчилар – кўзи ожиз ва кўриш қобилияти заиф бўлганлар учун бир нечта янги фаолият йўналишларини санаб ўтамиз:

- аранжировкалар, чолғулаштирилган ва оригинал асарлар яратиш;
- “жонли” овоз ёзуви;
- нота матнини профессионал териш;
- эски ёзувларни реставрация қилиш;
- рақамли фонограммаларни тайёрлаш;
- товуш синтези;
- овоз режиссёрлиги фаолияти.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Горбунова И. Б. Музыкально-компьютерные технологии как новая обучающая и творческая среда. В сборнике: Современное музыкальное образование-2002: материалы Международной научно-практической конференции. Российский государственный педагогический университет им. А. И. Герцена, Санкт-Петербургская государственная консерватория имени Н. А. Римского-Корсакова//под общ. ред. И. Б. Горбуновой. 2002, 161-169.
2. Горбунова И. Б. Музыкально-компьютерные технологии в общем и профессиональном музыкальном образовании. В книге: Современное музыкальное образование-2004: материалы международной научно-практической конференции. Российский государственный педагогический университет имени А. И. Герцена, Санкт-Петербургская государственная консерватория им. Н. А. Римского-Корсакова//под ред. И. Б. Горбуновой. 2004: 52-55.
3. Горбунова И. Б. Феномен музыкально-компьютерных технологий как новая образовательная творческая среда. Известия РГПУ им. А. И. Герцена, 2004. № 4 (9): 123-138.
4. Горбунова И. Б. Цифровая творческая образовательная среда: музыкально-компьютерные технологии. В сборнике: Четвертая промышленная революция: реалии и современные вызовы. X Юбилейные Санкт-Петербургские социологические чтения, сборник материалов международной научной конференции. 2018. С. 271-276. ИССН 1991-5497. МИР НАУКИ, КУЛЬТУРЫ, ОБРАЗОВАНИЯ. №5 (78), 2019.
5. Горбунова И. Б., Воронов А. М. Методика обучения информационным технологиям людей с нарушением зрения. Общество: социология, психология, педагогика. №5, 2015. 15-19.
6. Морозов С. А. Роль современных компьютерных технологий в системе обучения музыкантов-инвалидов по зрению (на примере Курского музыкального колледжа-интерната слепых). Адаптивные технологии в учреждениях культуры как средство приобщения людей с нарушениями зрения к музыкальному искусству: Материалы Междунар. научно-практич. конф. СПб ГБУК. Государственная библиотека для слепых и слабовидящих. СПб., 2014. 68-73.

ТўРАЕВ Маъмур,

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти декани

АЛПОМИШ МУСИҚАЛИ ДРАМАСИДА ОБРАЗ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Халқ оғзаки ижодининг улкан обидаси “Алпомиш” дostonи яратилганига минг йилдан ошган бўлса-да, ҳамон ўз жозибасини сақлаб келмоқда. Мазкур мақолада актёрларнинг ижроси, образ яратишнинг ўзига хослиги, сўздан қўшиққа, қўшиқдан сўзга ўтишдаги узвийлик, шунингдек, асарнинг моҳияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: образ, актёр, театр, маҳорат, томошабин, спектакль, қаҳрамон, ижро.

Аннотация. Несмотря на тысячелетнюю историю создания памятник народного творчества дастан “Алпамыш” продолжает быть актуальной. В этой статье рассматриваются вопросы актерского мастерства в воссоздании образов, непрерывность и цельность в переходе с пения на говор, а также уникальности сочинения.

Ключевые слова: образ, актер, театр, мастерство, зритель, спектакль, герой, исполнение.

Annotation. Alpomish epic, a huge monument of folklore, still retains its charm even though it has been more than a thousand years since its creation. This article talks about the performance of the actors, the originality of image creation, the coherence of the transition from words to songs, from songs to words, as well as the essence of the work.

Key words: image, actor, theater, skill, audience, play, character, performance.

Қаҳрамон образини яратиш масаласи ҳар бир даврда долзарб бўлиб келган. Театр инсонлар онгига тез ва кучли таъсир қила олиш қудратига эга санъатдир. Спектакль қаҳрамонлари билан бирга қайғуриш, шодлиги ва бахтига қувониш ҳам актёр билан томошабинни узвий боғлайдиган омилдир. Бу узвийликни сақлаб қолиш эса ҳаётдаги воқеалар ичидан сахна асари учун характерли мавзулар танлаб, шунга мос келадиган воқеалар сюжетини яратиш, бадиий яхлитликка эга бўлган, мукамал, мазмун-моҳияти чуқур, авий оламига ибрат бўла оладиган қаҳрамонлар образини яратиш орқали эришиш мумкин.

Ўтмишдан Тоҳир ва Зухра, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайхо, Отабек ва Кумушбиби, Анвар ва Раъно, Алпомиш ва Барчинойлар замон қаҳрамонлари сифатида ўзбек адабиётидан жой олган эди. Уларнинг ҳаёти, маънавий қиёфаси ҳамон ёшларимиз учун тақлид мактаби бўлиб қолмоқда. Мустақиллик даври ҳам шоир ва драматурглар олдида замон қаҳрамонини яратишдек эзгу вазифани қўймоқда. Замон қаҳрамони қиёфасини яратишда халқимиз тарихи, анъаналари ва фольклорга эътибор бериш орқали асарнинг бадиийлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш мумкин. Асардаги бадиий образ пишиқ, пухта чиқиш учун бадиий

қахрамон яратишнинг барча унсурларидан фойдаланиш зарур.

Шу ўринда театр санъатида сахналаштирилаётган асарлар ва уларда образлар тимсоли доимий мулоҳазалар, таҳлиллар, муносабатлар манбаи бўлиб бораётганлиги ижобий ҳодир.

Улуғ аждодларимизнинг бой маънавий мероси ва ибратомуз ҳаёти бугунги кун авлодларида чуқур эҳтиром ҳиссини уйғотиш баробарида ижодкорларни бадий асарлар яратишга ундовчи илҳом манбаи бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

Халқ оғзаки ижодининг улкан обидаси “Алпомиш” достони яратилганига минг йилдан ошган бўлса-да, ҳамон ўз жозибасини сақлаб келмоқда. У ҳар бир авлод ижодкорлари учун илҳом булоғи бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбек театр санъатида ўн тўрт минг мисрадан иборат улкан “Алпомиш” достони театр санъатида муҳим роль ўйнайди. Қадимий ўтмиш билан ҳозирги даврни боғлаш учун ва бугунги кун ёшлари билан таништириш мақсадида ҳаттоки, бу дoston анимацион жанрда ҳам тақдим қилинмоқда.

Мазкур дostonга бўлган ҳурмат бу ўзликка, ўтмишга бўлган ҳурмат билан ўлчанади. 1999 йил “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги давлат миқёсида кенг нишонланди. “Алпомиш” достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Халқ оғзаки ижодининг намуналаридаги озодлик, инсонпарварлик, шуқроналик, чин муҳаббат, ҳақиқатпарварлик, ватанпарварлик ғоялари орқали талаба актёрларни тарбиялаш мум-

кин. Масалан: инсонларни болаликдан эртак ва ҳикоялар эшитиб улғайиши, йиллар ўтиши билан Алпомиш ва Барчиной, Тоҳир ва Зухра, Фарҳод ва Ширин, Тўмарис, Равшанхон каби вафодор, ибo-ҳаё, мардлик ва жасурлик тимсоли бўлган эртак ва дostonлардаги қахрамонлар кўплаб йигит-қизларнинг идеалига айланиб, беихтиёр шу қахрамонлар сиймосидан ибрат олишга интиладилар. Эртак ва дostonлар эзгуликка хизмат қилса-да, уларнинг сахнавий талқини унинг янада таъсирчанлигини оширади.

Муסיқали театр актёрлари бўлими талабалари билан ишлаш жараёнида Алпомиш муסיқали драмаси алоҳида ўрин тутаети. Асардаги анъанавий бахшиёна муסיқа, сўз уйғунлиги ижодий жараёнда талабани касбга янада чуқурроқ ёндашишга ундайди.

Бўлғуси актёрлар ўз қахрамонининг етакчи хатти-ҳаракати ва бош мақсадини белгилаб, шу асосда ролдаги сўз ва муסיқий қисмларни ўрни ва аҳамиятини аниқлаб олади, актёр, айниқса, сўздан кўшиққа, кўшиқдан эса сўзга ўтиш жараёнида узвийликни йўқотмаслиги лозим. Бунда узвийлик бузилса, хатти-ҳаракат изчиллиги йўқолади, сунъийлик ва юзакилик пайдо бўлади, натижада уйғунлик вужудга келмайди. Кўпинча муסיқали драма асарларида муסיқа сўз билан, сахнавий хатти-ҳаракат билан боғланади. Муסיқали драма актёри профессионал овозга эга бўлиш билан бирга у ифодали, чиройли ва саводли куйлашни ўрганиши шарт.

Асар устида ишлашдан олдин табиийки, асар билан танишиш ва уни ўрганиб чиқиш талаб этилади. Алпомиш образини Муқимий номидаги ўзбек муסיқали театрида Маҳмуджон Ғофуров ва Турсунали Валиев яратган.

Алпомиш образдаги Маҳмуджон Ғофуров қаҳрамонининг хислатларини ёрқинифодалаб беришда тўғри йўл тутган. М.Ғофуров, айниқса, Олойда элат чорвасини босқинчилардан кўриқлаш кўринишида, Алпомишнинг она юртини соғингандаги руҳий кечирмаларини, элатдошларини яширин курашга тайёрлаш саҳнасини драматик маҳорат билан ижро этади.

Фароғат Раҳматова ва Зайнаб Самиевалар Ойбарчин сиймосида халқ олқишига сазовор бўлганлар. Спектаклда образлар талқинида фольклор услубини сақлашга, спектаклнинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатишга эътибор қилган. Алпомиш характериға хос хусусиятлар драматург Собир Абдулла томонидан таъсирчан гавдалантирилган. Алпомиш эл-юртиға муҳаббат қўйган, эл-юрт тинчлиги йўлида курашади. Шу боисдан унинг атрофиға мард кишилар тўпланадилар. Ҳатто, душман алплари ҳам унинг таъсири остида ўз юртидаги ҳақсизлик, адолатсизликка қарши кураша бошлайдилар.

Муқимий номидаги мусиқали театр 2001 йилда Усмон Азим пьесаси асосида “Алпомишнинг қайтиши” спектаклини саҳналаштирадилар. Пьеса ва спектаклнинг асосий ютуғи унда томошабин олис тарихнинг жонсиз суратини эмас, балки жонли инсонларнинг ҳаётий муносабатларини кўради. Саҳнадаги кечмиш гўёки олис ўтмишда эмас, балки шу кунларда рўй бергандек туюлади. Достондан пьесаға кўчиб, ундан саҳнаға чиқиб келган воқеаларнинг кескинлиги кишини ҳаяжонға солади. Усмон Азим пьесаси Алпомиш ва Барчиннинг хайрлашув саҳнаси билан бошланса-да, режиссёрлар муқаддима сифатида унга бахшининг достон куйлашини киритадилар.

“Алпомишнинг қайтиши” ўз вақтида мусиқали театр ҳаётида катта воқеаға айланди. Ўзбек халқининг севимли достони “Алпомишнинг қайтиши” муваффақиятли саҳналаштирилгани ва унга миллий руҳдаги мусиқалар басталанганлиги томошабинлар эътиборини қозонишиға асосий сабаб бўлди.

Муаллиф достон воқеаларини усталик билан қисқартириб, ундаги ватанпарварлик, инсонийлик, дўстлик ғояларини мусиқали саҳна асарида ифодалашға муяссар бўлганлар. Ижобий қаҳрамонлар – Алпомиш, Барчиной, Қалдирғоч; ботирлар – Қоражон, Қултой ва бошқалар эзгу ниятларига эришиш учун ҳар қандай кулфатларға бардош берадилар. Спектаклнинг тили бой. Унда халқ мақоллари ва ёрқин иборалардан усталик билан фойдаланилган. Булар эса бадиий образлар характерини очишға хизмат қилади ва асар воқеаларининг таъсир кучини оширади.

Асардаги воқеликлар жуда табиий ва барча давр ва инсонлар эътиборига тўғри келади. Драматург асар тилини халқона оҳангда яратган. Ҳар бир образ нутқида жозиб ва сеҳр бор. Асарда ҳозирги кунда Сурхондарё шеvasига хос бўлган, “Эна”, “Чеча”, “Кўноқ”, “Элат” сингари кўплаб маҳаллий шеваға оид сўзлар учрайди.

Алпомиш образи мураккаб ва кўп қирралидир. У довжурак баҳодир, ҳаёт тажрибасини кўрган, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган қаҳрамон. Меҳнатда, курашда чиниққан соф виждонли инсон. Ўзининг ўқтамлиги, душманларға қарши дадил туриши ва меҳр-шафқатлилиги билан ажралиб туради. Асарнинг бошидан то охириға қадар Алпомиш образи мунтазам ривожланиб боради.

Муסיқали театр актёри Мирза Азизов Алпомиш образини, содда ва ғурурли, бир вақтнинг ўзида ҳам юрт таянчи, ҳам вафодор бўла оладиган қиёфасини ярата олган. М.Азизов бу образни хотирлаб шундай сўзлайди: “Қаҳрамоннинг “Алпомишсиз эл бўлмайди, бий бобомнинг ули” – деган сўзининг ўзида, ўзини актёрман деб ҳис қилган ман-ман деган инсон ҳам ижро пайтида кўздан ёш оқиб кетади. Аслида бу гапларни йиғламасдан, жасорат билан мағрур туриб гапириш керак. Лекин мен ҳар доим ушбу сахнада шу сўзларни гапиришга қийналардим”. Дарҳақиқат, Алпомиш образи ўта мураккаб, унда халқнинг орзу-умиди, ишончи, келажаги яширинган. Бу спектаклни кўриб, Алпомиш талқинини кўрган ҳар қандай инсонда ҳам бироз бўлса-да, руҳиятида ўзгариш бўлиши табиий.

“Алпомишнинг қайтиши” спектаклидаги Барчин образи ҳам мураккаб ва кўп қиррали бўлиш билан бирга ўзига хос сўзлашув, муомала-муносабат услубига эга образдир. Қаҳрамон характеридаги самимийлик, гоҳида но-чорлик, қатъийликни Барчин образида кўриш мумкин. У дилбар ва латофатли, вафодор ва мардонаворлик фазилатлари билан ажралиб туради. Унинг инсонийлик хусусияти ва Алпомишга бўлган муҳаббати турли ария ва оммавий халқ хорларида сахналарда ҳам намоён бўлади. Актриса З.Бойхонова Барчиннинг хокисор, бироқ кескин руҳиятини сўзлашув услубиятида, муносабатида кўрсата билган. Актриса гўзал ва майин, садоқатли ва мард аёл қиёфасини чиза олган. З.Бойхонова унинг турли қирраларини тасвирлашда ўз арияларида халқона ифода эта олган, бу борада унга хор жамоаси яқиндан кўмаклашган.

Барчин образи устида ишлаган актёр, қаҳрамони ҳолатидан келиб чиқиб,

ўрни-ўрнида ижродаги сўзларига манتيкий урғу беришдан самарали фойдаланиши зарур. Бу услуб, айниқса, ўғли Ёдгорни руҳлантириш сахналарида кўзга ташланади.

“Алпомишнинг қайтиши” спектаклининг шиддаткор суръати биргина адабий мазмунда эмас, муסיқада ҳам яққол намоён бўлади. Унда сўз диалоглари, ария ва хорлар билан узвий боғланиб кетган. Актёрларнинг овоз имкониятларини эътиборга оладиган бўлсак, уларда шакланган сахна маданияти, ариялар орқали қаҳрамон қиёфасини жонлантириш хусусиятлари шундан далолат берадики, улардан овоз имкониятларини шаклантириш, такомиллаштириш борасида ижодий меҳнат қилиш талаб этилади.

Режиссёр-педагог Н.Қобил “Асардаги анъанавий бахшиёна муסיқа, сўз уйғунлиги ижодий жараёнда талабани касбга янада чуқурроқ ёндашишга, муסיкий материалнинг асар ғоясига ҳамоҳанглигини англашга, қаҳрамонлар руҳиятини очиб беради, халқнинг бой миллий меросини ўрганишга ундайди”, дейди.

Дарҳақиқат, халқ ижодиёти намуналари асосида сахна варианты яратилган мазкур муסיқали асарларнинг актёр тарбиясидаги ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, авваламбор муסיкий оҳангдорлик, сўз, сахнавий хатти-ҳаракат бирлигида яратилган образнинг муסיкий жарангдорлиги, маънадор сўзлашуви, маҳорати эътиборни тортади. Хулоса ўрнида “Алпомиш” каби муסיкий асарларда миллий руҳиятнинг уфуриб туриши, образ яратишга киришган ёш актёрлар ижро этган ария, дуэт, хор чиқишлари уларнинг дунёқарашини бойитиш билан бирга, актёрлик маҳоратини оширади, овоз имкониятларини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т.: Давлат илмий нашр., I жилд. 239-б.
2. Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов билан суҳбат. 2019 йил, январь.
3. Қобилов Н. Муסיқали театр актёрларининг маънавий тарбиясида “Алломиш” ҳақидаги асарларнинг ўрни. Республика илмий-назарий ва амалий конф.мат. Т.: Наврўз, 2014, 356-б.
4. Убай Б. “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 14 январь 1950 й.

